Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

9 апрель, чоршанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 77 (1594)

ГЕРМАНИЯ ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛАРИ -- ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Олий Мажлис таклифига биноан Германия Бундестаги вице-президенти Б. Хирш бошчилигидаги шу мамлакат парламент делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди.

Делегацияни кеча Олий Мажлис Раиси Э. Халилов қабул қилди. Илиқ дўстона вазиятда ўтган суҳбат вақтида Олий Мажлис билан Бундестаг ўртасидаги парламентлараро алоқалардан қониқиш изҳор этилди, делегациялар, қонунларнинг матнлари ва парламент органларининг иш регламентларини айирбошлаш, қонунларнинг лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш йўли билан бу муносабатларни янада ривожлантиришга ҳар икки томон интилаётганлиги билдирилди.

Ўзбекистон парламенти Раиси иккала мамлакат ўртасидаги кўп томонлама алоқаларни ҳар тарафлама кенгайтириш ва чуқурлаштириш борасида Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, К. Аденауэр номли фондининг Тошкентдаги ваколатхонаси олиб бораётган катта ишни алоҳида таъкидлаб ўтди.

Суҳбатда Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси Э. Воҳидов, сиёсий партияларнинг Ўзбекистон парламентидаги депутатлар фракциялари раҳбарлари А. Жалолов ва А. Йўлдошев, Олий Мажлис Котибиятининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Учрашувда Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Р. Биндзайль ҳозир бўлди.

Германия парламенти аъзолари шу куннинг ўзида Ташқи ишлар вазирлигида қабул қилинди, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова қабулида, Тошкент шаҳри мактабларидан бирида бўлдилар. Юксак мартабали меҳмонлар шарафига кечқурун расмий зиёфат берилди.

Меҳмонларнинг ташриф дастурида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Б. Ҳамидов билан, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида учрашувлар ўтказиш, «Ландтехник-Тошкент» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида бўлиш, «Видергебург» миллий маданият марказидаги кечада қатнашиш, Бухоро ва Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари билан танишув назарда тутилган.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

8 апрель куни Германия Федератив Республикаси Бундестаги вице-президенти Буркхард Хирш раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Умар Исмоилов билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасида икки томонлама алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Райнхарт Биндзайль ҳозир бўлди.

(ЎзА)

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

8 апрель куни «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги Қонунини амалга ошириш республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ва ижодий ташкилотларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари, мазкур комиссия раиси А. Азизхўжаев мажлисни бошқарди.

Мажлисда комиссия 1996 йил 18 декабрдаги йиғилишида қабул қилган қарорнинг бажарилиши тўғрисидаги, Давлат тили ҳақидаги қонуннинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида қандай бажарилаётгани ҳамда республика Алоқа вазирлиги ва вазирлик тизимидаги корхона ва ташкилотларда мазкур қонунни амалга оширишни таъминлаш давлат дастурининг ижроси борасидаги масалалар муҳокама этилди.

Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш республика комиссияси котибиятининг катта эксперти Ю. Ҳамдамов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари А. Тожибоев, Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари Т. Дўсжонов, алоқа вазирининг ўринбосари М. Маҳмудовнинг ана шу ҳақдаги ахборотлари тингланди.

Мажлисда таъкидландики, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги жойларда давлат тили ҳақидаги қонуннинг ижросини ўз вақтида таъминлашни етарлича назорат қилмаяпти. Жумладан, ҳозиргача идораларо ёзишмаларни давлат тилида олиб боришга етарли эътибор берилмаяпти. Бу шаҳар ва туманлардаги алоқа бўлимлари, нотариал идоралар фаолиятида, айниқса, кўзга ташланмоқда. Айрим муассаса, ташкилот ва жамоа бирлашмаларининг муҳрлари, иш қоғозларини юритиш хамон давлат тилига ўтказилмаган. Бундай ҳолни Қорақалпоғистон Республикасининг бир қанча туманлари, олий ва ўрта махсус билим юртларида кўриш мумкин.

Бу каби камчиликларни Хоразм вилоятида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Жумладан, почта ва телеграф жўнатмаларида қўлланиладиган бланкаларнинг аксарияти давлат тилида тайёрланмаган. Шаҳар, туман марказларида ташкилот ва идораларнинг пешлавҳалари, йўл кўрсатгичлари ҳанузгача ўзгартирилмаган.

Мажлисда А. Орипов, Ў. Ҳошимов, О. Ёқубов, Н. Аминов, З. Ҳакимов, Р. Шоғуломов сўзга чиқиб, кейинги вақтда мамлакатимизда давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши юзасидан вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар, тегишли ташкилотлар томонидан муайян ишлар амалга оширилганлигини қайд этдилар. Хусусан, эски тузум мафкурасига хизмат қилувчи номлар ўзгартирилди. Давлат тилини амалга оширишга оид муҳим қўлланмалар чоп этилди. Шу билан бирга, бу соҳада ҳали бажарилиши зарур бўлган ишлар анчагина экани таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Алоқа вазирлиги тизимида давлат тили ҳақидаги қонун ва уни амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган давлат дастурининг бажарилиши тўғрисидаги масала ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Мажлисда мутасадди раҳбарларга давлат тилини жорий этиш борасидаги ишларни янада кучайтириш юзасидан тавсиялар берилди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов сўзга чиқди.

(ЎзА).

ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ҳамкорлигида экология муаммоларига бағишланган илмий-амалий семинар-кенгаш ўтказилди.

Семинар-кенгашда табиатни муҳофаза қилиш республика давлат қўмитаси мутахассислари, таниқли эколог олимлар ва БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси вакиллари иштирок этди. Улар республикамиздаги мавжуд экология муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

САЛОМАТЛИК УЧУН, КЕЛАЖАК УЧУН...

8 апрель куни пойтахтимиздаги халқаро кўргазмалар мажмуи -- Ўзэкспомарказда «Соғлиқни сақлаш-97» учинчи халқаро кўргазмаси тантанали вазиятда очилди.

Кўргазмани Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўмагида Лондондаги ITE халқаро савдо ва кўргазма компанияси ҳамда «Тибмаҳсулот» республика бирлашмаси ташкил этди.

Кўргазмада Ўзбекистон, яқин ва олис хориждаги 25 мамлакатдан 100 дан ортиқ фирма ва корхона иштирок этмоқда. Уларнинг учдан бир қисми бу анъанавий халқаро кўргазмада биринчи бор қатнашмоқда. Кўргазмада хилма-хил тиббий анжомлар ва дори-дармонлар -- энг янги шифо воситалари билан бир қаторда турли махсус жиҳозлар, технологиялар, тиббиётда фойдаланиладиган турли махсус материаллар, клиника ва шифохоналар учун мебель, гигиена буюмлари, парҳез таомлар намойиш қилинмоқда... Бу йил биринчи марта «Саломатлик ва гўзаллик» секцияси очилган бўлиб, унда энг янги косметика воситалари ва пардоз буюмлари қўйилган.

Кўргазма ташкилотчилари маросимда тиббиёт ходимлари ҳамда кўргазмага келувчи барча кишилар тиббиёт соҳасидаги энг сўнгги ютуқлар билан танишиш учун ноёб имкониятга эга бўладилар, кўргазма Ўзбекистонда фармацевтика ва тиббий саноатни ривожлантириш муаммолари ҳамда истиқболларини аниқроқ кўра олиш, шунингдек, ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш ва янги амалий алоқалар ўрнатиш учун қулай муҳит вужудга келтиради, деб ишонч билдирдилар.

Кўргазмани тантанали очиш маросимида республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов иштирок этдилар.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.

М. АМИН тасвирга олган.

ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис ишида мазкур комиссия аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар пул-кредит сиёсати комиссияларининг раҳбарлари иштирок этдилар. Мажлисни республика пул-кредит сиёсати комиссияси раиси -- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов бошқарди.

Унда Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 6 январдаги 3-сонли қарорининг ҳудудларда қандай бажарилаётганлиги ҳамда республикада ҳисоб-китобларни такомиллаштиришга қаратилган бошқа муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисда республика пул-кредит сиёсати комиссияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг мазкур масалалар юзасидан хисоботлари тингланди. Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 6 январдаги 3-сонли қарорини бажариш бўйича ҳудудларда пул муомаласини барқарорлаштириш борасида тегишли чора-тадбирлар ўтказилиши муносабати билан жорий йилнинг апрель ойида ва умуман биринчи чорагида белгиланган касса режаси республика миқёсида ошириб бажарилганлиги мажлисда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Биринчи чорак учун нақд пул эмиссиясининг амалдаги даражаси ҳам Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ва умуман республика бўйича уддаланиб, белгиланган кўрсаткичдан 9,0 фоиз камайди.

Маълумотлар таҳлили натижалари кўрсатиб турибдики, деб таъкидланади мажлис материалларида, жойларда бу борада тегишли чора-тадбирларнинг ўтказилиши белгиланган кўрсаткичларнинг шаҳарлар ва туманлар томонидан бажарилиши яхшиланди.

Ҳисобот даврида мамлакатимиздаги 196 шаҳар ва тумандан 171 тасида умумий тушум суммаси бўйича касса режаси бажарилди. Биринчи чорак учун нақд пул эмиссияси даражаси бўйича ўрнатилган кўрсаткич эса 165 та шаҳар ва туманларда уддаланди.

Мажлисда жойлардаги пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларига нақд пул муомаласини самарали ташкил қилиш борасида ҳали етарли ишлар амалга оширилмаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга, Сурхондарё, Андижон ва Қашқадарё каби вилоятларда ишловчиларга иш ҳақларини ўз вақтида берилишини таъминлаш юзасидан қатъий чоралар кўришлари лозимлиги қайд этилди.

Шунингдек, республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида касса режаси кўрсаткичлари ва нақд пул эмиссиясининг белгиланган даражасини бажарган ҳудудлар раҳбарлари моддий рағбатлантирилди ҳамда мазкур кўрсаткичлар уддаланмаган ҳудудлар раҳбар ходимларининг шахсий жавобгарлиги масаласи кўриб чиқилди, уларга нисбатан тегишли маъмурий чоралар белгиланди.

Мажлисда бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

САТРЛАРДА ЮРТ НАФАСИ

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қилади

КАДРЛАР МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Китоб туманида кадрлар билан ишлашни такомиллаштиришга бағишланган вилоят семинар-кенгаши бўлди. Унда шаҳар ва туманлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бўлимлари мудирлари иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари кадрлар билан ишлаш, кадрлар заҳирасини тайёрлаш борасида фикр-мулоҳаза билдирдилар. Туман марказий касалхонаси, ип-йигирув фабрикаси ва хўжаликлараро механизациялашган кўчма қурилиш идорасида кадрлар билан ишлаш тажрибасини ўрганди.

ВАЪДАГА ВАФО

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш тўғрисидаги қарори эълон қилинганида Самарқанд шаҳридаги Боғишамол, Сиёб ва Темирйўл туманлари вилоятнинг учта қишлоқ туманида биттадан врачлик пункти қуриб бериш ташаббуси билан чиққан эди. Куни кеча темирйўлчиклар ана шу ваъдага вафо қилиб, Гўзалкент туманида янги, замонавий даволаш муассасасини фойдаланишга топширди. Барча зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу шифо маскани аҳолига хизмат қила бошлади.

ОҚАВА СУВЛАР ТОЗА БЎЛАДИ

Тошкентдаги «Сувгео» сув билан таъминлаш, канализация, гидротехник иншоотлар ва муҳандислик гидрогеологияси илмий-тадқиқот институтида тўқимачилик саноати корхоналари оқава сувларини тозалашнинг янги технологияси ишлаб чиқилди. Бу технология ип газлама комбинатларининг бўяш ва гул босиш цехларида сувдан қайта-қайта фойдаланиш имконини беради.

ДАЛА ШИЙПОНИГА ЭЪТИБОР

Бувайда туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида «Дала шийпони маърифат ва маънавият масканига айлансин» мавзуида вилоят кўрик-семинари бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари хўжаликнинг 5-бригадаси дала шийпонида деҳқонлар учун яратилган маданий-маиший қулайликлар билан танишди. Бу ерда оналар ва болалар хоналари, врачлик пункти, маърифат ва маънавият хонаси мавжуд.

UZ-DAEWOO

Иброҳим РАҲИМ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЎЗБЕКИСТОН МУЪЖИЗАСИ

«ДАМАС», «НЕКСИЯ», «ТИКО»ЛАР ҚИССАСИ

(Давоми. Боши ўтган сонда).

ДЎППИЛАР ОСМОНГА ИРГИТИЛГАН КУН

Бу ажиб воқеа ёмғир томчилаб турса-да, қуёш кулиб боққан, Наврўз шодиёналари давом этаётган хушчақчақ кунларнинг бирида -- 1996 йилнинг 25 март туш пайти содир бўлди. «ЎзДЭУавто» корхонаси конвейеридан илк «Дамас» митти автобуси тушди.

Тўнғич «Дамас»ни икки минг деталдан йиғдилар. Уни цехларда бўяб-бежаб, пардозандозлаб оёққа турғизиш учун заводнинг тўрт қаватли осма кўприкларида роботу компьютерлардан ташқари юзлаб-минглаб қора кўзлару олтин қўлли мутахассислар мижжа қоқмай югуриб елдилар. Шу дақиқада мустақиллик тарихимизнинг янги бир зарвараги очилди.

-- Озод Ўзбекистонимиз ҳаётида қувончли воқеа содир бўлмоқда, -- деди митингни бошлаб берган Андижон вилоятининг ўша кездаги ҳокими, ҳозирда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Қобилжон Обидов. -- Қурувчиларимиз ажойиб мўъжиза яратдилар -- замонавий автокорхона барпо этган қурувчиларимизга, қурилиш шерикларимизга тасанно!

Хурсандчиликка Бош вазир Ўткир Султонов ҳам шерик бўлди. Ў кишi автозавод қурилишининг илҳомчиси ва ташкилотчиси Президент Ислом Каримов номидан, ўз номидан ғолибларни қутлар экан, Ўзбекистон ва Қурия ҳамкорлиги бузилмас дўстлик ва тинмас ғилдиракка айланишига умид билдирди.

Баногоҳ радио карнайида «Анниони хосимика!» деган корейсча овоз янгради. Буни ҳамма таниди. «ДЭУ» Президенти Кван Ки Ли жаноблари сўзламоқда эди. Ў «Корхона икки йилда қурилди. Рекорд! Бир қарашда бунга ишонгинг келмайди. Аммо Президентингиз Ислом Каримов аралашган иш мўъжиза билан якунланишига ишондим. Мана ўша мўъжиза!» -- дедида халойиққа N000001 машинасини кўрсатди!

(Давоми 2-бетда).

«ҒАЛЛАБАНК»: ЯКУНЛАР ВА РЕЖАЛАР

Республика ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат банки -- «Ғаллабанк» ўз иш фаолиятининг учинчи баҳорини яхши натижалар билан кутиб олди. Куни кеча бўлиб ўтган банк акциядорлари йиғилишида бу нарса алоҳида таъкидланди. Сўзга чиққан банк бошқарувининг раиси Йўлдошбой Эргашев «Ғаллабанк»нинг 1996 йил иш якунлари ва банк фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис VII сессиясидаги маърузасидан келиб чиқувчи 1997 йилги асосий йўналишлари тўғрисида» қилган маърузасида ҳисобот даври ютуқ ва камчиликлари ҳақида гапирар экан, мамлакатимизда бозор муносабатларини ривожлантиришда фаол иштирок этиш, унинг иқтисодий қудратини ошириш, тармоқни янада тараққий эттириш ҳамда дон мустақиллигига эришиш юзасидан республика Президенти қўйган вазифаларни ҳал этишда «Ғаллабанк» олдида турган вазифаларни алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда сўзга чиққанлар банкларнинг «Ўздонмаҳсулот» давлат-акционерлик корпорацияси фаолияти билан ўз иш жараёнларини мувофиқлаштиришлари, берилган кредитларнинг қайтарилишига салбий таъсир кўрсатаётган ўзаро нотўловларни қисқартириш, дебиторлик-кредиторлик қарзлари миқдорини камайтириш чора-тадбирлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, йиғилиш қатнашчилари банкнинг йиллик даромади, унинг баланси, сарф-харажатлари режаларини тасдиқладилар. Банкнинг янги таҳрирдаги устави қабул қилинди.

Й. ТОЖИБОЕВ, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

UZ-DAEWOO • UZ-DAEWOO • UZ-DAEWOO

«ДАМАС», «НЕКСИЯ», «ТИКО»ЛАР ҚИССАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Янги туғилган машина дафъатан янги тандирдан чиққан нондай кўзга иссиқ кўринди.

«ЎзДЭУавто»нинг линиялари ишга тушиб кетди. Ўшандан бери мана бир йил бўлдики, бир эмас, учта -- «Дамас», «Нексия», «Тико» линиялари тасмалари гизиллаб турибди.

Ана ўша кунлардан бери Асакадаги бу заводнинг дунёга донги кетди ва бу жой ўзбекларнинг қадам жойига айланиб қолди.

«ЎзДЭУ» қўшма корхонаси ишга тушиши муносабати билан ҳамма йўллар Асакага, «ЎзДЭУавто» маконига олиб келадиган, ҳамма йўллар Асакадан бошланадиган бўп қолди. Бир сўз билан айтганда, Асакани Буюк ипак йўлининг шоҳбекати десак лоф эмас.

Наврўзи олам байрами кунлари мен ҳам шу даргоҳга келиб автомобилсозларнинг шодлигига шерик бўлдим. Бундан беҳад шодман.

Такрор айтаман: Американи буюк Америка қилган қудрат -- автомобил саноати бўлгани рост. Эндиликда Ўзбекистонни буюк давлат қиладиган қудрат ҳам «ЎзДЭУ» автосаноатимиз бўлса не ажаб. Бу саноат ҳозирда келажаги буюк Ўзбекистон тарихининг энг янги зарварағини битяпти.

ЯНГИЛИК ЯРАТИШ МЕЗОНИ

Шаҳар ичидаги шаҳарнинг кенг майдонида қомат чўзиб, савлат тўкиб турган кошона ичига кирасизу гўё бошқа бир сайёраға кириб қолгандай бўласиз. Сиз учун ҳаммаси янгилик. Сиз уни завод эканини унут б қўясиз. Ишлаб чиқариш корпуси, деб аталмиш бин бир чақирим бўйига, яна бир чақирим энига, икки терак бўйи баланд жойлашган. Шунинг ичи автомат линияларнинг металл ленталарию, ақлли ускуналар, ўргимчак уясидай қават-қават конструкциялар кўзингизни қамаштиради. Корпуснинг охири кўринмайди, тепасига қарасангиз дўппингиз тушади. Икки терак бўйи тепаликда бўлажак машиналарнинг соялари ғимирлайди.

Дафъатан бир зумга ҳангманг бўласиз. Шундай улкан иморат гўё кимсасиз, ҳаётсиз жим, сукунатда тургандай кўринади. Ҳаммаёғи топ-тоза: ёғ тушса ялагудай, гўё яқин ўртада одам оёқ қўймагандай. Аслида ундай эмас. Жим-жит кўринган ишлаб чиқариш корпусида неча-неча цех, қанчадан-қанча робот, мингта яқин одаму кўз илғамас компьютерлар ишлаётган экан. Аммо шарпаси эшитилмайди, кўзга кўринмайди, ҳаммаси ўз иши билан овора. Замонавий корхона маданияти шу бўлса керак-да!

Менга ҳамроҳлик қилаётган, тўғрироғи, заводдаги баённчим Мирзажон Зокиров, аслида муаллим, кейинчалик қурувчи, иш даврида муҳандис бўлиб қолган, ҳозирда завод спортчиларининг отаси бўлмиш одам, завод ичида гўё симобдай эриб, унинг икир-чикирларию сир-асрори орасига мени ҳам киритиб қўйди, десам лоф эмас.

Танишувни бўёқ цехидан бошладик. Линиялар шу ердан нафас олар экан. Парчапарча металл жамланиб, корпусга айлангач, шу жойда нилга чўмиб оларкан-да, линиялар йўлагига тушаркан. Бу ерда бўяш-безаш технологиясидан кўра мени унинг одамлари қизиқтириб қўйди. Ҳамма бир хил—оқ халат, оқ қалпоқ кийиб олган, бурунги афсоналарда айтилганидай, «бу ернинг шоҳи киму, гадоси ким -- униси ким, буниси ким?» ташидан билиб бўлмайди. Сўзлашсангиз ҳаммаси доно, тилидан бол томиб туради, тиллари бурро: хоҳласангиз ўрисча, хоҳласангиз корейсчаю инглизча суҳбатлашасиз.

Баногоҳ бир кишининг «тожанг конжанг» деб трубкага гапираётганини эшитиб қолдим. Руломжон Мамадалиев телефонда директорнинг корейс томондан қўйилган ўринбосари билан «Бўёқ цехи эшитади» деб суҳбатлашаётган экан. «Шим кважан, кесон, кесон» деган сўзлар ҳам қулоғимда қолди. У билан танишиб, қисқагина суҳбатлашиб олдим.

Бу йигит Қурияга бориб, автомобил заводининг «тожанг конжанг» -- буёқ цехида қўринмайди, буйруқ ҳам эшитилмайди. Аммо ҳамма баб-баробар жисмоний ҳаракат қилиб, тонгги нормативни бир текисда ижро қилмоқда эди. Синчиклаб билсам, тонгги машғулотларни ҳам ўз радио дастури бошқарар экан.

Машғулот тамом бўлганини ҳам биров эълон қилгани йўқ, аммо қанча гуруҳ қаерда машқ қилаётган бўлса-да, бир зумда бирданига ҳаракатни бас қилди ва тўп-тўп бўлиб, аскарлардай уюшқоқлик билан яна ўз иш жойларига тарқалдилар, линиялар ўрмалай бошлади.

ялик мутахассис Шим Кважанг раҳбарлигида тажриба ўрганиб келган етакчи мутахассис экан. Мен ундан:

— Корейсчалаб «Кесон-кесон» дедингиз, у нима деганингиз? — деб сўрадим.

-- Янгилик яратиш мезони, дегани. Қурияда бу жуда эътиборли усул экан, -- деб мулойимгина гап бошлади Руломжон ва Қурия автомобил заводида иш ўрганаётган ўзбек йигитлари иш даврида юз берган бир «кесон» воқеасини айтиб берди.

Алишер Ҳожиматов бошлиқ тўрт ўзбек ишчиси «тожанг конжанг» цехида ишлаётиб, овоз юткич мосламаси яратишда қийинчиликка учрабдилар-да, иш жойларидаги меҳнат шароитини ўзларига қулай қилиб ўзгартириб олибдилар. Иш унуми бир кундаёқ кечагидан ошиб кетибди, сифати ҳам соз эмиш. Буни бригадир сезибди-да, ўзбек йигитларининг бу ишини «кесон» -- «ихтиро» деб баҳолаб, унинг натижасида ойига қанчадан иқтисодий наф келтиришини ҳисоблаб чиқиб, ундан келажак фойданинг маълум фоизини Алишер Ҳожиматовларга сийлов қилиб берибди. Ҳар бир ўзбек ишчиси беш минг вондан нақд пул санаб олибди.

Ишчиларнинг меҳнатга муносабатини тубдан ўзгартириб, ҳар ишга ижодий ёндошишга ўргатадиган бу усулни «ЎзДЭУавто» корхонасида ҳам қўлламоқдалар. Натижа яхши: бўёқ цехида «брак», «дефект» деган сўзлар завод лексиконидан чиқарилди, «браксиз ишлаймиз!» демоқдалар.

Қурияда ҳами икки минг киши иш ўрганиб қайтди. Шу боисдан ҳар қадамда иш қийминнинг бир ёғида «ДЭУ» эмблемаси, иккинчи ёғида корейсча иероглиф билан номи ёзилган кишилар учраб туради. Корейсча салом берсангиз, ўзбекча алиқ олади.

Йиғув цехида бир «ўзбек корейс» билан учрашиб қолдик. Бу мастер Қурияда 9 ой бўлиб, енгил автомобил ва ихчам автобус қисмларини қоғиплаш, пайвандлаш, йиғиш сирларини ўрганиб келгани ва тўла корейсча билгани учун бу ерда уни «ўзбек корейс» дер эканлар. Қуриядаги заводда барча ишларнинг тўртдан уч қисмини техника ва механизмлар бажариб, оғир юкларни робот-полвонлар кўтараркан. Техниканинг тилини техника биларкан -- уларнинг ҳаммасига компьютерлар «қўмондонлик» қилармиш. Майда-чуйда гайка, винтларни бураб маромига етказишгина ишчи ҳазратларига қолибди.

ИШЧИНИНГ ЯНГИЧА АНЪАНАСИ

Эрта тонгда Асакада ғир-ғир майин сабо эсди, кетидан дарахтлардаги қушларни чийчийлатиб шабада қучайди-да, дувуллатиб ёмғир ёғиб ўтди. «Баҳор ёмғири -- аёлнинг кўз ёши» дейдилар, бор бисотини дувуллатиб тўкдида, булутлар ҳам кўзғалиб йўлга равона бўлди. Уларнинг сафини ёриб ҳилол қуёш кўринди -- дастлаб майда-майда найзадай, аста-секин томоша қовоқдай тепага чиқа бошлади.

Автомобилсозлар ҳам деҳқонларга ўхшаб, ҳилол қуёш билан бирга уйғонар экан. Кун кўтарилмай ҳамма корхонада бўлади, дедилар. Мен ҳам «ЎзДЭУ»да иш бошланиш жараёнини кўрмоқчи бўлиб, заводга келдим. Келдим-у, гўё танкчилар дивизиясининг танкчи бўлинмаларида кўриниш берадиган тонгги бадантарбия машғулотларига кириб қолгандай бўлдим. Пастда-баландда, йўлакчаю-майдончаларда, ҳатто иш кабинетларида «ЎзДЭУ» формасида мусиқа садосига гимнастика қилаётган йигит-қизларни кўрдим. Ҳар куни иш соатидан ўш беш дақиқа иш жойида бошланадиган тонгги жисмоний тарбия машқи бош директордан тортиб оддий фаррошгача беш вақт намоздай фарз экан.

Тўп-тўп, гуруҳ-гуруҳ бўлиб тонгги бадантарбияси ўтказаётган бу уюшган командаларнинг аскар танкчилардан фарқи шундаки, уларга ҳеч бир старшина ёки сержант команда бераётгани йўқ. Машқ ўтказувчи раҳбар ҳам

Ҳар бир машина тулпор бўлиб етилгунча конвейернинг линиясида йўл-йўлакай кийинтирилади. Бир ерда либос кийса, ундан нарида тугма қадалади, бир оз юргач, андак тухтайди-да, этик кияди. Конвейер тасмасининг ҳар жой, ҳар жойда ўз бекати бор, бекатларни линия участкаси дейдилар. Ҳар участкада мутахассислар линияда келаётган бўлажак машинанинг аҳволию либосини кўздан кечирадилар-да, камкўстини ростлайди, яъни нариғи бекатда ўрнатилган гайкани, винтикми бўшроқ бўлса бураб, пухталайди, етишмаганини дарҳол хабар қилиб, тўғрилатиб олади.

-- Линиянинг 79 та йиғув жойи бор. Ундаги ҳар бир кишининг иши виждоний иш, дейди йиғув цехида антенна қўювчи Улуғбек Исомиддинов. Ҳар бир ишчи виждонан ишлайди. У бутун участка, цех ва линия хизмати учун жавобгар. Шунинг учун ҳар бир киши нариги бекатдаги ишчи ўтказиб юборган тарифқа «дефект»ни ҳам ўз постидан нарига кеткизмаслиги керак.

Улуғбек ўз бекатида ҳамиша ҳушёр туради. Қўлидан ўтган ҳар бир объект то маррасига етгунча унинг тақдирини кузатиб туради. Биргина Улуғбек эмас, ҳамма шундай қилиши керак. «Виждон иши -- сифат иши!», дейди «Нексия» олд моторига чарм қопловчи Жамолиддин Иброҳимов. -- «Нексия» дегани «Келажак автомобили» дегани, демак, келажакка юқори сифатли автомобил бериш бизнинг виждоний бурчимиз.

-- Ҳамма бирдай, сизлардай виждонан ишлаяптими?

-- Беш қўл баробар эмас ахир. Ғаламислар ҳам чиқиб турибди. Аммо бундай қўёнлар кўпчиликдан қочиб қутулолмайди. Бу бекатда қўёнлик қилса, нариги бекатда қўлга тушяпти. Корхонамизнинг ҳар бир механизми назоратчи, аммо андак дефект ўтса ҳам ўша иш четга суриб қўйилади. Энг муҳим назоратчи — виждон!

Ишчиларнинг бу гаплари рост эканига ўзим ҳам ишондим. Конвейердан ўтаётган бир «Нексия»ни примбр участкасига тўхтатиб, олдинги участкадаги бир ишчининг ўз жамоасига номуносиб қилиғи фош этилди. «Нексия»нинг бир муҳим детали қўйилмапти. Бу ҳолни ҳушёр компьютерлар ошкор қилиб кўрсатдилар шекилли, ишлаб чиқариш директори Ҳотамбек Сотиболдиев жараёнга аралашди, дарҳол текшириш бошланиб кетди.

Ишлаб чиқариш бўлимининг директори Ҳотамбек Сотиболдиевнинг кабинети линиялар устида, терак бўйи баландликдаги назорат пунктига ўхшаш қурилмада жойлашган. Унинг олдига спирал янглиғ бурама темир шотлад неча марта буралиб кўтариллик. Пастга қаровдим, кўзим тинди. У ҳар хил таблолар қуршовида компьютери билан сўзсиз, товушсиз гаплашиб ўтирар экан.

Ўтирган жойида товушсиз иш битириб, етмиш тўққизта йиғув жойига бирдай назар ташлаб ўтирган Ҳотамбек ҳали ўттиз уч ёшга ҳам тўлгани йўқ. Аммо бир асрга тенг йўлни босиб ўтгандай. 1993 йилнинг жазирама ёзидан бери «ЎзДЭУавто»да ишлайди. Дастлаб муҳандис, кейин катта танловдан ўтиб, заводнинг ишлаб чиқариш бўлими директори бўлди. Шу орада икки марта Қурия автомобил заводлари ишлаб чиқариш бўлимларида тажриба орттириб келди. Ишчиларнинг айтишларича, «унинг мияси бутун бир академия» эмиш!

Директорнинг ишчилар билан муомаласини кўриб ҳайрон қолдим. Ака-ука, биродарлар муомаласи нима-ю, уларники нима -- фарқи йўқ. Бир-бировига яримта гап, имо-ишора ҳам етарли. Бир-бировларини дарҳол яхши тушунадилар. Улардаги юксак муомала маданияти ишлаб чиқариш маданияти билан уйғунлашиб кетган. Бу ерда келажак машиналарини яратаётган келажак одамлари шаклланмоқда. Заводнинг жуда кўп кишилари билан учрашиб, сўзлашиб, чин виждоний ишларини ўз кўзларим билан кўриб бунга ишондим.

ОТА-ОНАЛАР ЗИЁРАТИ

Ҳар бир хонадонга хизмат қиладиган беминнат дастёрларни кўргани ўша хонадонларнинг вакиллари заводга келдилар. Бунинг бир баҳонаси ҳам топилди: заводда ишловчи ҳар инсоннинг ўз ишига бўлган яхши инсоний муносабатини қадрлаш куни ўтказилган эди. Заводда яна бир «Меҳнатга муносабат намунаси» танлови ўтказилди. Унда ўтган йили жами икки ярим минг ишчи, мастер, муҳандис иштирок этди. Заводдаги цех, бригадаларда танлов шартларининг бажарилиши ғалвирдан ўтказилганида, асбобсозлик цехининг Носир Убайдуллаев бригадаси ишчилари биринчи байроқдор бўлишди. Қандай қилиб? Бу бригадада йил давомида бирор киши бир дақиқа ҳам ишга кечикмаган, жамоа интизомини ҳеч ким бузмаган, ишда зиғирча ҳам нуқсонга йўл қўйилмаган, меҳнат маданиятини юксалтириб, сифат намунаси яратилган. Бутун бир бригада жамоаси аъзоларининг ёппасига намуна кўрсатиши «ЎзДЭУавто»нинг байроғига айланди. Ҳар бир аъзо иккитадан мукофот олди. Биттаси иқтисодий, иккинчиси маънавий. Иқтисодийсига ҳар бири уч минг сўмдан нақд пул санаб олди, маънавийси эса пул билан ўлчаб бўлмайдиган мукофот эди.

Меҳнат унуми ва иш маданияти соҳасида ўрнак кўрсатган 35 кишининг ота-оналари корхонага таклиф этилиб, ғолибларни яратувчилар сифатида эъзозладилар. Аввало уларни корхонанинг замонавий ажойиботлари билан ошно қилдилар, қоларверса, фарзандларининг иш жойларидаги мўъжизаларини айтиб бердилар. Ўз фарзандларининг меҳнати билан ясалган замонавий машиналарни миниб кўрдилар, бошини силаб, ғилдиракларини силаб «бошинг тошдан бўлиб, оёғинга тикан кирмасин» деб дуо қилдилар. Зиёфат чоғида эса ажиб ҳангомалар бўлди.

-- Заводда икки ўғлим — Ғанижон билан Раҳматулло ишлайди. Яхши ишларинг учун отанга раҳмат, дебсизлар, -- гап бошлади шаҳрихонлик меҳнат фахрийси Ғайрат ота Турдиев. -- Бошим осмонга етди. Болаларим учун раҳмат эшитдим! Болаларимнинг қулоқлари раҳматдан бошқа сўзни эшитмасин. Улар буюк келажакка пўлат кўприк қуряптилар.

Холисхон ая Йўлдошева сўз олганида ҳамма қарсак чалиб юборди.

-- Ажойиб корхонада мураккаб дастгоҳларда ишлаб қадр топган ўғлимнинг эпчил, чаққон дастгоҳларни моҳирона эплаётганини кўриб, ниҳоятда фахрландим, -- деди у. -- Ўғлим йиққан машинани ташқарига олиб чиқишди, четга кетармиш. Илоҳо, Асака машинаси дунёга ёйилсин!

Ҳақиқатда ҳам Холисхон аялай минглаб яхши ниятли кишиларнинг дуолари ижобатга ўтибми, ўзининг харидоргирлигиданми, «ЎзДЭУавто»нинг бир юз йигирма беш минг автомашинаси Марказий Осиё ҳудудларида ва Россия шаҳарларида сотилди. Сифатидан шикоят йўқ. Талаб катта, илтимослар устма-уст келиб турибди.

-- Шу қисмларни шу жойда яратиш муаммоси қандай ҳал бўляпти?

-- Асака атрофида, Ўзбекистону Қирғизистонда ёрдамчи корхоналар қуриляпти, -- деди бош директор. -- Заводимиз кенг қанот ёйяпти.

Заводда машина қисмлари ва деталлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш департаменти ташкил қилинган. Бош менеджернинг айтишича, ҳозирнинг ўзида ўттиз фоиздан ортиқ муҳим қисм ва деталлар шу ернинг ўзида ишланмоқда, келасида деярли ҳаммаси Ўзбекистоннинг ўзида яратилади. Ҳозирнинг ўзида Асака, Андижон, Қорасувда кераклн қисмларни ишлаб чиқарила бошланди. Жанубий Қурия билан Ўзбекистонда яна беш-олтита қўшма корхоналар қуриладиган бўлди. Баъзилари ишга тушди, баъзиларида монтаж ишлари бораяпти, биттаси маҳсулот бера бошлади. Сифати Жанубий Қурияникидан яхши бўлса яхшики, ёмон эмас!

-- Ҳамма қисм ва деталлар ўзимизда чиқса, машиналаримиз дунёдаги энг арзон ва энг яхши автомобиллар бўлади. Ҳадемай, аҳолига насияга ҳам миндириб юборамиз, -- деди Бош директор.

Умуман, ўзбек автомобилсозлари қўлидан чиққан машиналарнинг сифати синовлардан яхши ўтди. Айниқса, Марказий Осиё ўйдим-чўнқир, паст-баланд, тоғли, жарли, асфальт ва барханларини кезган «Тинчлик, дўстлик ва тараққиёт автоюриши-96»да аъло сифат белгиси яққол кўринди.

Асака автомашиналарини сотиб олган кишилардан заводга келаётган миннатдорлик мактубларини ўқидим. «Раҳмат!», «Минг бор ташаккур!», «Қўлларинг дард кўрмасин!» лар орасида «Сизларнинг корхоналарингиз пайдо бўлиши билан бутун Ўзбекистонда техника инқилоби юз берди, энг замонавий индустрия даври бошланди!», деган қувончномалар ҳам бор.

Бундай қувончномалар чет эллик мутахассислардан ҳам келиб турибди. Биттасинигина тилга оламан. 1996 йил июль ойида Асака заводига Олмониядан автомобилсозлар делегацияси келган эди. Улар Марказий Осиёда шундай улкан ва замонавий автомобил корхонаси яратилганидан ҳайратга тушганди, Олмониянга қайтиб боргач, «ЎзДЭУавто»нинг бош директори Шуҳрат Юсупов номига чин юракдан раҳматнома юборибдилар.

Заводчи бойлар Доктор Мангольд билан Маттиас Клайнер ёзган мактуб:

«Ҳурматли бош директор жаноблари! Сиз ва сизнинг ходимларингиз томонидан бунёд этилган завод делегациямизнинг барча аъзоларида зўр таассурот қолдирди. Бизга синаб кўриш насиб этган автомобилларингиз ҳаммамизни лол этди. Улар зўр иштиёқ ва юқори сифатли қилиб созланибди!

Олмониядаги келгудай бўлсангиз, сизни ўз заводимизда қўл қовуштириб кутамиз!»

Асака автомобилларига кундан-кунга талаб ошмоқда. Завод бу талабларни қондириш ва лойиҳа имконияти даражасига етиш учун яқинда икки сменада ишлашга ўтди. Бир сменада ишлаган вақтарида соатига ўттизтадан «Дамас», «Нексия», «Тико» юз кўришиб турган экан. Икки сменалаб ишга ўтганларидан сўнг ҳар сменада ҳар соатлик кўрсаттич йигирматага тушиб қолди. Ёмонми, яхшими, нега шундай бўлди?

Бу сўровга ҳамманинг жавоби битта:

-- Ҳозир сафга янги одамлар қўшилди. Ўшаларни ўргатиш жараёни кетяпти.

Янги ишчилар бирданига уч жараённи ўтамоқдалар: ўқиб, ўрганиб, юқори сифат учун курашмоқдалар. Бунинг натижаси суръат сусайишига таъсир қилса-да, сифатни яхшилашга хизмат қилмоқда.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ТУЙҒУСИ

Заводда ишлаётган ишчиларнинг ҳунари, илми, билими билан бирга уларнинг дунёқараши, мулкка, меҳнатга, ҳаётга, муносабатлари ҳам ўзгарган. Миллий ғурури уйғонган, халқига, Ватанига садоқати ошган. Уларнинг кечаги қиёфаси -- табиийлик, боринг-ки, қуллик табиати ўзлигини англаш табиати билан алмашган. Бинобарин, улар мустақиллик фарзандлари бўлиб шаклланмоқдалар. Улар янги ўзбеклардир.

Чет элга бориб келган, Қурияда малака ошириб келган ҳар бир ўзбек ҳоҳ ишчи бўлсин, ҳоҳ мастер, ё муҳандис ёки тадбиркор раҳбариятга ҳисобот ва таклифлар ёзибди. Бу қўлёзмаларни ўқиган кўзлар чарақлаб ёниб кетади.

«Ўзбекистоннинг Қуриядан нимаси кам -- нега Қурияча-лик бўлолмаймиз? Ўзбеклар японларча фикрлай олмайдиларми? Донолар алдодиданмизку!». «Нима учун лоқайд бўлиб қолдик? Бас энди эски ҳаммом -- эски тос, етар энди боқимандалик!» деган танбеҳлар кетидан, аввало, ўзликни таниш, маданий савияни ошириш, энг муҳими -- ҳалолпок бўлиб, меҳнатни севиб, масъулиятни ошириб, қуйиб-ёниб, астойдил ишлаш билан завод, шаҳар, бутун мамлакат савиясини дунё қадриятлари даражасига кўтариш ҳақида ёзибдилар. «Ҳамма ишлар жаҳондаги энг ривожланган давлатлар даражасига етиб олишга қаратилсин. Бунинг учун мен ўз соҳамда, бўлимимда, заводимда намуна кўрсатаман» дебди Қобилжон Турсунов.

«Завод ишчисининг меҳнат дафтарчаси бўлсин, унда ишга муносабати, заводдаги бурчини бажариши, ташаббуси-ю, масъулият сезиши ёзиб борилсин. Ишчиларимизни шу йўл билан ҳам тарбиялаб вояга етказган бўлар эдик» дебди муҳандис Икромов.

«ЎзДЭУавто» одамлари ташидан камгап, камсухан кўринади. Аммо гапга солсангиз, симобдай силлиқ гапириб, сизни эритиб юборганини билмай қоласиз. Оддий ишчи ҳам мулоқотда таълим кўрган зиёлидан қолишмайди, мастер ёки муҳандис билан суҳбат қурсангиз ҳеч бир мавлонодан кам эмас. Улар билан қайси тилда гаплашманг, ўша тилда жавоб оласиз. Йиғув цехининг оддий ишчилари ҳам тўрт тилда -- инглизча, корейсча, ўрисча, ўзбекча гаплаша олар экан. Улар ўз оилаларида ҳам, болачақа, ёру биродарларига ҳам ўз савиясини юқтирмоқда эмишлар.

Цехларда юриб, вақт ўтганини ҳам унутибман. Тўсатдан линиялар тўхтади, Дарвозалар очилиб, кўк чироқлар ёниб, таблолар ташқарига йўл кўрсата бошлади. Бир зумда ҳамма ташқарига чиқди. Дарвозалар ўз-ўзидан ёпилди.

Ташқарида, ҳар бир дарвоза олдида эшикларини ланг очиб турган «Дамас»лар ўз одамларини бағрига олиб, уларни эрталаб олиб келган жойларга, уй-уйларига олиб кетди.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

БАЗАЛАР ҲУДУДИНИ ҚИСҚАРТИРИШГА РОЗИ

ТОКИО. АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэн Японияннинг «Иомиури» газетасига берган интервьюсида Пентагон маъмурияти Окинавадаги Америка ҳарбий базалари ҳудудини қисқартиришга рози эканини маълум қилди.

Бироқ АҚШнинг бу ерда жойлашган 100 минг кишилик қўшини сони қисқартирилмайди, ҳатто Корея ярим ороли муаммоси ижобий ҳал этилганда ҳам Америка аскарлари Осиё-Тинч океани минтақасини назорат қилишни давом эттиради.

МУВОЗАНАТНИНГ БУЗИЛИШИ ОҚИБАТИДА...

ЖЕНЕВА. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош котиби Хироси Никадзима жаҳон ҳамжамиятини дунё бўйлаб жуда тез тарқалаётган юқумли касалликларга қарши курашга даъват этди.

Маълумотларга қараганда, бир пайтлар батамом бартараф этилган деб ҳисобланган вабо, ўлат каби ўткир юқумли касалликлар айрим минтақаларда яна учрай бошлади. Ҳозирги пайтда транспорт соҳаси мукаммаллашиб, саёҳлик ривожлангани, улкан шаҳарларнинг кўпайиши ва ер шарида экология мувозанатининг бузилиши натижасида, сил, бўғма каби хавфли касалликлар тарқалмоқда. Шунингдек, сўнгги йигирма йил ичида тиббиётчилар 30 га яқин номаълум касалликни аниқлаган.

МАШИНАНИ ШИРАКАЙФ БОШҚАРГАНИ УЧУН

ВАШИНГТОН. АҚШ маъмурияти Россия ҳукуматидан рус дипломати Вадим Савельевни дипломат дахлсизлиги ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўради.

Маълумотларга кўра, Россиянинг Америкадаги элчихонаси ходими В. Савельев машинасини ширакайф ҳолатда бошқарган ва энди қонун олдида жавоб бериши лозим. Америка қонунчилигига кўра, бундай ҳолларда, аввало, «қонунбузар» ўз ҳукумати томонидан дипломат дахлсизлиги ҳуқуқидан маҳрум этилиши лозим. Шундан кейингина қонунбузарга жазо берилади.

Америкада маст ҳолда автомобиль ҳайдаган хорижий фуқаролар бир йилгача машина бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Бордию у қонунни яна бузадиган бўлса, мамлакатдан чиқариб юборилади. 1992 йилдан буён 8 нафар чет эллик дипломат шу аснода Американи тарк этган.

ЯНГИ СУВ ОСТИ КЕМАСИ

ПАРИЖ. Франция ядро қуроли билан жиҳозланган замонавий сув ости кемаси яратилди.

«Триомфан» деб номланган мазкур кемага 16 та М-45 русумли атом ракеталари ўрнатилган бўлиб, уларнинг ҳар бири 100 килотонна қувватга эга. Бу ракеталар ёрдамида 5 минг чақирим олисликдаги нишонни яксон қилиш мумкин. XXI аср бошида Франция тўртта ана шундай сув ости кемасига эга бўлади.

(ЎзА).

ХАЙРЛИ ҚАДАМЛАР ТАШЛАНДИ

Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Такия қишлоғининг 15 нафар фуқароси ўз қишлоғидаги газлаштириш ишлари ўлда-жўлда эканлигидан норози бўлиб муҳарририятимизга арз қилишган эди. Яқинда вилоят ҳокимлигидан қишлоқни газлаштириш борасида хайрли қадамлар ташланганидан ҳикоя қилувчи қуйидаги жавобни олдик.

«Китоб туманидаги Охунбобоев жамоа хўжалигига қарашли Такия, Тупчоқ қишлоқларини газлаштириш учун 1995-96 йилларда «Ўзгазлойиҳа» институти томонидан тўлиқ лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган.

1995-96 йилларда мазкур қишлоқларга 10,5 километрли газ тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилган ва давлат бюджети ҳисобидан 4,06 млн. сўм маблағ сарфланган.

Қишлоқларнинг ички қисмидаги газ тармоқлари қурилиши асосан хўжаликнинг ўз имкониятлари ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, иқтисодий аҳволи ночорлиги туфайли газлаштириш учун маблағ ажратишга имконияти бўлмаган.

Шунга қарамасдан, 1997 йилда республика бюджети ҳисобидан 1 млн. сўм, хўжалик ички имкониятлари ҳисобидан 1 млн. сўм маблағни хўжалик ҳудудидаги қишлоқларни газлаштириш мақсадларига йўналтириш кўзда тутилди».

Т. КАРИМОВ,
Қашқадарё вилояти ҳокимининг
биринчи ўринбосари.

МАСАЛА ҲАЛ

Муҳарририятимизга пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи К. Шарипов 20 йилдан буён юрак хасталиги борлиги сабабли шифохонада рўйхатда туриши, дори-дармон олишда унга 50 фоизлик имтиёз берилиши кераклиги ҳақида оғриниб шикоят ёзган эди. У 20 йил мобайнида бу имтиёздан бирор марта ҳам фойдаланмаган. Эндиликда эса дорихоналарда керакли дармон-дориларни топиб беришмаётган экан.

Отаҳон энди овора бўлмайдиган кўринади. «Халқ сўзи» ўз назоратига олгач, унинг шикоят хатига дорихоналарнинг энг юқори идорасидан масала ҳал бўлганлиги хусусида қуйидаги мазмунда жавоб олдик.

«К. Шариповнинг ёзган хатини ходимларимиз бориб жойида ўрганиб чиқишди. Айни кунларда у дори-дармонга эҳтиёжи йўқлигини билдирди. Шундай бўлса-да, К. Шарипов 33-сонли дорихонага бириктирилди».

Х. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
республика «Дори-дармон»
давлат-акционерлик уюшмаси
бошқаруви раиси.

ТОЖИКИСТОН: АҚЛ-ИДРОК ВА ИРОДА КУЧИ -- ЖАРОҲАТ УЧУН ЭНГ ЯХШИ МАЛҲАМ

ҚУШНИННИНГ УЙИ

Тошкент чойхоналаридан бирида Жирғатолдан келган Эргаш бобо билан танишиб қолдим. Ёши саксонга бориб қолган кўринади. Ёнида ўсмир невараси ҳам бор.

-- Ўтган йил, кузда мардикорлик қилиб пул ишлаб келаман, деб ўғлим Тошкентга кетган эди, шуни излаб келдим, неварам билан, -- деди қария белбоғидан яримта арпа нон олиб патнисга қўяр экан.

Унга чой қуйиб узатдим, олди, лекин «олинг» десам ҳам патнисдаги оқ нонга қўл теккизмади, невараси ҳам олиб бермади.

-- Қўй, укам, оғзимизнинг мазаси қочади, арпа нон ҳам томоғимиздан мойдай ўтади, -- деди Эргаш бобо.

-- Қайтганингизгача арпа нонингиз тугаб қолса-чи?

-- Тугамайди, кампирим кунига биттадан деб ўнтасини санаб берган, ана қопда турибди.

Мен Эргаш бободан оппозиция ҳақида сўрадим.

-- Ҳозир Жирғатол шуларнинг қўлида, -- деди у.

-- Шаҳарни уришиб қўлга олишдими?

-- Уришиб уришгандай бўлишмади, улар келаётир деганда ҳукумат милицияси Жирғатолни ташлаб чиқиб кетди.

-- Халққа қайсиниси маъқул? -- сўрадим ундан.

-- Унисиям, бунисиям халқнинг шўри, укам, -- деб жавоб берди Эргаш бобо.

-- Нега?

-- Қайсиниси келса ҳам халқнинг молига, дон-дунига кўз олайтиради, бермасанг тортиб олади. Билса, ўрадаги картошкани ҳам қолдирмайди. Арзингни унисиям, бунисиям тингламайди. Тўғрисини айтсам, юртнинг эгаси кимлигини билмаймиз.

Биргина жирғатоллик Эргаш бобо эмас, бошқа тожикистонликлар билан ҳам гаплашсангиз юртнинг эгаси кимлигини айтиб беришолмайди. Мамлакатнинг шарқий минтақаси -- Комсомолобод, Тожикобод, Жирғатол, Тавилдора, Гарм туманлари ҳозир тўлиқ бирлашган тожик оппозицияси қўлида. Мамлакат ҳудудининг бошқа асосий қисми расман ҳукумат назоратида бўлгани билан аслида ҳеч қандай кўрсатмаларга бўйсинмайдиган шаҳар ва туманлар ҳам йўқ эмас. Улардаги вазият асосан мустақил равишда ҳаракат қиладиган ёки гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга оғиб турадиган гуруҳлар ҳамда дала командирлари назоратида. Жафокаш халқ эса ўзгариб турган вазиятга қараб ҳаммаси билан тил топишиб яшаши керак. «Амалда бутун Тожикистон ҳудуди дала командирларининг таъсир минтақаларига бўлиб ташланган, -- дейилади яқинда «Независимая газета»да босилган бир шарҳда. -- Уларнинг ҳар қайсиси ўз таъсир доирасидаги бизнесменлардан улуш олиб туради ва бу пулнинг бир қисми жангариларга «иш ҳақи» ўрнида берилади. Баъзан томонларнинг манфаатлари тўқнаш келиб қолганида қуролли тўқнашув юз беради». Кейинги уч-тўрт йилда Тожикистонда бундай ҳолат кўп марта такрорланди. Қўрғонтепа ва Турсунзода шаҳарларида бўлган воқеалар бунга мисол бўла олади.

«Юртнинг эгаси ким?» деган савол тожикларни ва Тожикистонда яшаётган халқларнигина эмас, балки тожикларарО музокарада қатнашаётган томонларни ҳам, халқаро кузатувчиларни ҳам, қолаверса, қўшни халқларни ҳам ташвишлантирябти. Жумладан, Ҳожи Акбар Тўражонзода мухбирлар билан суҳбатда: «Ҳозир бирлашган тожик оппозицияси Раҳмонов мамлакат устидан назорат қилишни йўқотиб қўйишидан кўпроқ ташвишга тушмоқда, чунки кейин бошбошдоқликни йиғиштириб олиш қийин бўлади» деган фикрни айтган.

Бундай ташвиш учун етарли асос бор. Юртда ягона эга, халқда ором йўқ. Эргаш бобога ўхшаганлар қўшни қардош халқлар борлиги, улар жонларига аро кираётганлиги учун Оллоҳга минг бора шукурлар айтади. Мардикорлик қилиб, бозор атрофида айланиб тирикчилик ўтказаётган тожиклар ўзларини жаннатда юргандай ҳис этишяпти. Бироқ қорин тўйғазиш, бола-чақани боқиш ташвиши, айниқса, уруш вабосидан жон сақлаш ваҳимаси баъзи тожикларни узоқ юртларга бош олиб кетишга мажбур қилди. Улурнинг тақдирлари баъзан фожиали бўлаяпти. Чойхонада ўтириб қора арпа нонни силлиққина ютиш ҳаммага ҳам насиб қилаётгани йўқ. Россиянинг турли шаҳарларида бошпанасиз, оч-яланғоч дайдиб юрган тожикларнинг аянчли ҳолатларини бир кўз олдингизга келтиринг-а!.. Ишлаб пул топиб келгани Москва томонларга кетган фарзандларидан кўп ойлар давомида дарак бўлавермагач, қаҳратон қиш кунлари уларни излаб совуқ ўлкага борган бир қанча отаонлар бир темир йўл станциясининг омборхонасида тунаганларида безори ўсмирлар эрмак учун тун ярмида уларни бензин қуйиб қандай ёққанликлари ҳақидаги хабарни газетадан ўқиганимда фикрлашдан тўхтаб қолгандай ҳис этганман ўзимни... Айниқса, бугунги кунда бунга ўхшаган фожиалардан ҳеч ким кафолатланмаган. Сабаби — кейинги пайтда Россиянинг йирик шаҳарларида ташқи қиёфалари кавказлик ва ўртаосиёликларга ўхшаганларни таъқиб қилиш кучайиб кетди.

Парокандалик шу даражага етдики, хотин ўз юртида бўлса, эр ўзга юртда, ота уйда бўлса, фарзанд урушда. Битта оиланинг ўзида биров тинч бўлса, биров нотинч, биров тўқ бўлса, биров оч. Бундан ортиқ фожиа бўладими? Хўш, бундай фожиа нега юз берди?! Бунинг сабабчилари кимлар? Демократлар коммунистларга, коммунистлар эса исломчиларга тўнкашди. Бироқ битта асосий ҳақиқатни айтишмади. Бу маҳаллийчилик, деган ижтимоий иллат. Аслида буни миллатни ва давлатни емирадиган вабо, дейиш мумкин. Бу дард билан оддий халқ эмас, онгги мансаб-мартаба деган «микроб» билан заҳарланган кишилар касалланди. Унинг энг ёмон белгиси мақсад йўлидаги курашда ҳеч кимга раҳм-шафқат қилмаслик. Маҳаллийчилик касалига йўлиққанлар одатда ниқоб билан иш кўрадилар. Ўз вақтида Душанбенинг Шоҳидон майдонида тинимсиз равишда митинглар ўтказиб, кечаси ҳам шу ерда тунаб қолганлар демократияни ниқоб қилиб олишди ва ўзларини демократлар деб аташди. Коммунистлар эса бошқа бир майдонда тўпланиб ниқобларини йиртмаган ҳолда нариги майдондагиларга қарши бақириб-чақиришди. Хуллас, ҳеч ким бўш келмади. Москвадаги баъзи сиёсий кучлар демократларга ҳам, коммунистларга ҳам мадад бериб туришди. Мен кейинги йиллардаги кузатишларимдан шу нарсага ишонч ҳосил қилдимки, Россиядаги деярли барча сиёсий кучлар -- демократлар, коммунистлар, либераллар, центристлар, ватанпарварлар, миллатчилар, аграрлар, халқпарварлар, оғмачилар ва бошқалар -- мамлакат ичкарисида бир-бирларига қанчалик қарши ёки душман бўлмасинлар, битта масалада, яъни собиқ совет жумҳуриятларидаги бугунги сиёсий реалликни англашда шовинистик дунёқарашдадирлар. Ҳаёт тажрибаси бу ҳақиқатни инкор этиб бўлмаслигини кўрсатди. Тожикистондаги қарама-қарши гуруҳлар кейинчалик буни англаб етган бўлсалар ҳам қалбларини фалажлаган маҳаллийчилик касалини енга олмай иродасизлик қилдилар ва оқибатда шовинистик дунёқарашнинг эрксиз хизматкорига ҳамда шахсий манфаатни умуммиллат манфаатидан устун қўядиган тарқоқ сиёсий кучга айланиб қолдилар. Парокандаликнинг асосий сабабларидан бири шу. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг аёвсиз синовидан ўтолмаслик охир-оқибатда шунга олиб келдики, бир неча йилдан бери кимлардир тожикни тожик билан яраштиришга ҳаракат қиляпти. Бу маънавий жиҳатдан эриш туюлади. Бироқ, сиёсий ўйиннинг ўз қонуниятлари бор. Кимлардир бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишлари мумкин. Майли, ким қандай вазияттдан фойдаланиб қолмасин, тезроқ тожикларни яраштириш зарур. Минтақага тинчлик керак. Бироқ яраштириш жараёни бегаразликни тақозо этади. Бундан беш-олти йил олдин коммунистлар билан демократлар бир-бирларига тамга босишган бўлса, бугун улар бир-бирларига унчалик таъна тошлари отишмаяпти. Бу яхши аломат белгиси, албатта. Аммо ҳаётда уришган ака-укалар ярашиб олганларидан кейин ўртадаги аразчилик учун қўшнини ёмонтлик қилганларидек, сиёсатда ҳам ярашганлар «қози»нинг гапи билан айбни бировга тўнкайдиган ҳоллар бўлиб туради.

Мен бу фикрни бежиз айтаётганим йўқ. Тожикистон танасидаги дарднинг оғриқларини биз ҳис этиб, сезиб турибмиз. Бу дард асорат беришидан хавотирдамиз. Демак, унинг тезроқ тузалишидан биз ҳам манфаатдормиз. Бироқ буни тескари тушунадиганлар ҳам йўқ эмас. Баъзан хорижнинг оммавий ахборот воситаларида, хусусан, Россия газеталарида Ўзбекистон темир йўлни тўсиб Тожикистонни иқтисодий қамал қилаётганлиги, унинг шу аҳволга тушишига қўшни давлат сабабчи эканлиги, агар Россия бугун Тожикистондан чиқиб кетса, эртага уни Ўзбекистон босиб олиш мумкинлиги қабилидаги уйдирмалар босилаяпти. Ҳатто баъзан сиёсатдан бехабар одамлар оғзидан Тожикистондаги айрим кучлар Ўзбекистондан мадад ва йўл-йўриқ олиб турганлиги ҳақидаги гирт ёлғон гапларни ҳам эшитиб қоласан киши. Шубҳасиз, бу Россиядаги империяпараст кучлар таъсирида бўлган оммавий ахборот воситалари 1992 йилдан бери изчил равишда олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларининг оқибати. Одамларнинг миллий туйғуларидан фойдаланиб, адоват уруғини сочишга уриниш ҳамиша империяпараст кучларнинг синовдан ўтган усули бўлиб келган. Мен кейинги беш йил давомидаги кузатишим мобайнида Россия газеталари орқали Тожикистондаги қайси давлат арбоби ёки таниқли сиёсатчи, ҳарбий бошлиқ ёки дала командири қайси миллатга мансуб эканлигини билиб олдим. Фалончи тожик, фалончи эса ўзбек, деб алоҳида урғу беришади. Бирон жойда қалтис сиёсий-ҳарбий вазият юз берса, ўша ерда ўзбеклар кўплиги ҳақида ёзишади. Эсимда бор, Турсунзода ва Қўрғонтепа шаҳарларида шундай вазият юзага келганида «Московский комсомолец» газетаси: «Ҳукуматга қарши ҳаракат ўзбеклар кўп яшайдиган Хўжанда ҳам бўлиши керак эди, нега бўлмай қолди?» деб ёзди. Ислом фалсафасига ва Шарқнинг маънавий қадриятларига асосланган бу икки халқнинг яқдиллигини ғаламислик билан енгиб бўлмайди.

Асабларни таранглаштириб, ҳар икки томоннинг тинка-мадорини қуритган тожикларарО музокаралар узоқ давом этди. Тинчликка ташна халқ бир неча йил мобайнида музокара бўлиб ўтган гоҳ у шаҳарга, гоҳ бу шаҳарга умидворлик билан кўз тикди. Қайсарлик ўртадаги воситачиларни бир неча марта танг аҳволда қолдирди. Ҳукумат яқин вақтгача ён босишни истамай келганлиги воситачи ва кузатувчи давлатларнинг, биринчи навбатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг саъй-ҳаракатларини йўққа чиқарди. Баъзан қўшни давлатларнинг дўстона ва ҳолисона маслаҳатлари ҳам инобатга олинмади. Оқибатда ҳукумат мамлакат ҳудудини назорат қилишда ўзининг мавқеини йўқотиб борди. Очиғи, бошқаришда жилов бўшашиб, имкониятлар бой берила бошланганидан кейингина музокараларда гаплар қовушадиган бўлди. Кейинги бир неча музокарада юз берган олға силжишларни ана шу қовушишнинг самараси, дейиш мумкин.

Айниқса, Машҳадда ва Москвада эрилишган натижалар ҳаммани қувонтирди. Илгари Имомали Раҳмонов билан Саид Абдулло Нурий учрашганда бир-бирларига совуқ кўз қараш қилган бўлсалар, энди қучоқ очиб бир-бирларини бағриларига босаётганликларини кўрган тожик халқи қувончли ҳиссиётдан сархуш бўлиши табиий. Бу қувончга, шубҳасиз, биз Ўзбекистон халқлари ҳам шерикмиз. Бизнинг ҳукуматимиз тожикларарО музокараларнинг кейинги босқичларида эришилган барча ижобий натижаларни маъқуллаб қарши олганлигини ҳам яхши биламиз.

Шу йил март ойининг биринчи ярмида Москвада бўлиб ўтган музокарадан кейин кўпчиликда, ниҳоят, Тожикистонда фуқаролар урушига барҳам берилиб, тинчлик ўрнатиладиган бўлди, деган ишонч тугилди. Чунки қарама-қарши томонлар миллий яраш комиссиясини биргаликда шакллантиришнинг муҳим жиҳатлари юзасидан аниқ бир тўхтамга келдилар. Ҳарбий-сиёсий масалаларда ҳам мақбул счим топилганлигини кузатувчилар тинчликка элтувчи йўл дейишмоқда. Энди ҳамма шу йил 9 апрелда Теҳронда бўладиган навбатдаги учрашувдан умид қилмоқда. Чунки ўзаро келишув асосида тайёрланган ахдномалар имзоланиб, юридик ҳужжат мақомини олмас экан, мамлакатда барқарор тинчлик ўрнатилишига ишониб бўлмайди.

Хорижнинг оммавий ахборот воситалари музокараларда бир-бирига қарама-қарши бўлган иккита куч тил топишганлигига, бироқ негадир учинчи куч инобатга олинмаганлигига эътиборни қаратмоқда. Бу қандай куч дерсиз? Булар мустақил ҳаракат қилаётган дала командирлари, ҳукуматдан барча минтақаларнинг вакиллари бўлишини талаб қилаётган гуруҳлар ва ниҳоят, мамлакат аҳолисининг асосий қисми яшайдиган Ленинобод вилоятининг мавқеини тиклашни ўйлаётган сиёсий кучлардир. Демак, учинчи куч мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Музокараларда ҳукумат бунга етарли аҳамият бермади. Бирлашган тожик оппозицияси эса бу куч билан ҳисоблашиш зарурлигига ҳукуматнинг эътиборини тортди. Бироқ барибир учинчи куч музокараларга жалб этилмади. Ҳозир Россия матбуотида бу нарсага алоҳида урғу берилаяпти. «Известия», «Сегодня» ва «Независимая газета»ларда бу борада кўп шарҳлар босилди.

«Мен Шимолий Тожикистон аҳолисининг норозилигини босиб турибман, бироқ бизнинг сабр-тоқатимиз чексиз эмас, -- деди собиқ бош вазир Абдумалик Абдуллажонов яқинда «Независимая газета» мухбирига берган интервьюсида ва сўзида давом этди: -- «Бизнинг манфаатларимиз эътиборга олинмагунча Тожикистонда тинчлик бўлмайди». Чет эл шарҳловчиларининг фикрича, собиқ бош вазир мамлакатда катта таъсир кучига эга бўлган сиёсатчи. Ҳатто тожикларарО музокарада унинг ўз ўрни бўлиши керак, деган фикр ҳам айтиляпти.

Собиқ Қўрғонтепа вилоятининг бутун ҳудудини ўз таъсир доирасига олган ва Ленинобод вилоятида катта обрўга эга бўлган Маҳмуд Худойбердиевнинг баёнотлари эса янада кескин. У таклиф қилинган бўлсада, Москвадаги музокарада қатнашмади ва «Независимая газета» мухбирига шундай деди: «Мен оппозиция билан келишиб бўлмаслигига 110 фоиз ишонаман. Бироқ кейинчалик Худойбердиев тинчликни хоҳламайди дейишмасин деб, мен ахдномаларнинг имзоланишига ҳалақит бермадим. Нима ҳам дердим, афсуслар бўлсинки, урушнинг бошланишини кутишга тўғри келади. Менга уч ойдан кейин келинг, ўшанда менинг ҳақ эканлигим ҳаммага маълум бўлади».

Шубҳасиз, бундай жиддий огоҳлантиришлар тожикларарО музокараларнинг бундан кейинги босқичларига жиддийроқ ёндошишни тақозо этади. Учинчи кучнинг мавжудлигини кўра-била туриб унга аҳамият бермаслик вазиятнинг ҳозиргидан ҳам баттар мураккаблашиб кетишига сабабчи бўлиши мумкин. Буни ҳукуматга қараганда оппозиция яхшироқ тушуниб етган кўринади.

«Барча дала командирларининг минтақавий манфаатларини ҳисобга олмасдан тинчликка эришиб бўлмайди, -- деди Ҳожи Акбар Тўражонзода мухбирларга берган интервьюсида. -- «Биз Тожикистон раҳбариятидан музокарага аниқ таъсир кучига эга бўлган бошқа сиёсий гуруҳлар ҳам жалб этилишига эришишни талаб қиламиз». Шунингдек, у: «Бу жараёндан Ўзбекистон, Эрон ва Покистонни, иложи бўлса, Қозоғистон билан Қирғизистонни ҳам четда қолдириш мумкин эмас, акс ҳолда бизда тинчлик бўлмайди», деб баёнот берди. Тўражонзода тожикларарО музокараларнинг якунловчи босқичида -- асосий ҳужжатларни имзолаш маросимида Россиядан ташқари мазкур давлатлар раҳбарларининг иштирок этишини ўта муҳим деб ҳисоблайди.

Ён қўшни -- жон қўшни, дейишади. Тожикистон Ўзбекистоннинг ана шундай қўшниси. Беш йилдирки, қўшнимизнинг уйида нотинчлик. Фарзандлар бебош, оила пароканда. Оила бошлиғи уларнинг бошини қовуштира олмаяпти. Биз қўшни билан қариндош бўлиб кетганмиз. Шунинг учун унинг уйидаги гапни кўчага чиқармоқчи эмасмиз. Фарзандларнинг қайсиниси ҳақ, қайсиниси ноҳақлиги юзасидан муносабат билдириш ёки оила бошлиғининг тутган йўли бўйича ҳакамлик қилиш ниятидан йироқмиз. Шунингдек, биз қўшни ҳақида турли миш-мишлар тарқатишдан ҳам ҳазар қиламиз. Бироқ шу нарса аниқ ва равшанки, бизнинг қўшнимиз уйидаги нотинчлик ҳамда жанжаллар ҳақида бошқалар жуда кўп ёзишяпти ва гапиришяпти. Тожикистондаги воқеалар, айниқса, Россиянинг оммавий ахборот воситалари учун етакчи мавзу бўлиб қолди. Биз, ўзбек журналистлари бу масалада анча сусткашлик қиляпмиз. Сабаби маълум -- андишалик. Бироқ андишаликни бефарқлик, сиртдан томошабин бўлиб туриш, деб ҳам тушунишлари мумкин. Шунинг учун мен қўшнининг уйидаги воқеа-ҳодисаларга қон-қардошликнинг маълум мезонлари асосида мулоҳаза билдиришни лозим топдим.

Менимча, Тожикистон жароҳатига малҳамни узоқ юртлардан излайвермаслик керак. Жароҳатнинг давоси шу юртнинг ўзида. Бу Ақл-идрок ва Ирода кучи деган малҳамдир. Теҳрондаги музокараларда ана шундай малҳамнинг мўъжизавий кучига умид қиламиз.

Иброҳим НОРМАТОВ.

Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги «Ғаллаорол» жамоа хўжалигида бу йил 210 гектар майдондан юқори ҳосил етиштириш режалаштирилган.

-- Махсарни биринчи бор экишимиз, — дейди хўжалик бош агрономи Камолиддин Исоқов. — Шу туфайли уруғни танлаш, экиш жараёнида бир қадар муаммолар ҳам бўлди. Асосийси, энди буёғи парваришга боғлиқ. Мўлжалдаги ҳосилга эришсак, махсардан жуда катта иқтисодий наф кўрамиз.

ТАСВИРДА: (чапдан ўнгга) бригада бошлиғи Р. Қўлиев, бош агроном К. Исоқов, бўлим механиги Б. Эшбўтаевлар уруғлик сифатини кўздан кечирмоқда; махсар уруғлигини экиш ишларининг умумий кўриниши.

Р. СОДИҚЗОДА тасвири.

Қисқа муддатли давлат облигацияларининг 22002UMFS - чиқарилишини жойлаштириш тўғрисида ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида 1996 йил 26 мартда тузилган 1-сонли шартномага биноан 1997 йил 9 апрелда 6 ой муддат муомалада бўладиган давлат қисқа муддатли облигацияларининг биринчи чиқарилишини сотиш бўйича кимошди савдоси ўтказилишини эълон қилади.

а) Чиқарилиш рақами: 22002 UMFS;

б) Чиқарилиш ҳажми: 2 000 000 000 (икки миллиард) сўм;

в) Облигациянинг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм;

г) Облигациянинг қопланиш муддати: 1997 йил 8 октябрь;

д) Ўзбекистон Республикасининг резидентлари - ҳуқуқий шахслар облигацияларни сотиб олиши мумкин.

е) Рақобатдош бўлмаган талабномаларнинг максимал миқдори ҳар бир дилер рақобатдош талабномаси ҳажмининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Кимошди савдоси 1997 йил 9 апрелда, соат 10.00 да Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Кимошди савдоси ва иккиламчи савдолар Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 6-уйда, Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида ўтказилади.

Облигацияларни сотиш ёки харид қилишни хоҳлаган ва облигацияларнинг чиқарилиш шартларига мувофиқ шу ҳуқуққа эга бўлган шахслар ва ташкилотлар қуйида рўйхати берилаётган дилер-банкларнинг исталганига мурожаат қилишлари мумкин:

	Дилер	Манзил, телефон
1	"Ўзсаноатқурилиш" банки	Тошкент ш., А.Тўқай кўч.,3. Тел.: 33-24-86,36-14-77.
2	Миллий банк	Тошкент ш., Охунбобоев кўч.,23. Тел.: 33-17-12.
3	Ўзпахтабанк	Тошкент ш., Муқимий кўч.,43. Тел.: 78-10-94,77-91-66.
4	Халқ банки	Тошкент ш., Қатортол кўч.,46. Тел.: 78-29-45,78-29-81,78-82-14.
5	Ғаллабанк	Тошкент ш., Лоҳутий кўч., 36.Тел.: 36-16-17.
6	"Турон" АТББ	Тошкент ш., Навоий кўч., 44.Тел.: 42-23-85.
7	Ўзприватбанк	Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси,51. Тел.: 39-16-63, 39-14-42, 39-46-19, 39-10-18.
8	"Ипак йўли" АИТБ	Тошкент ш., Фарҳод кўч.,12а.Тел.: 76-89-73.
9	Тошуйжойжамғармабанк	Тошкент ш., Пушкин кўчаси,17. Тел.: 36-33-31,36-32-31,33-29-57,33-11-22.
10	Алоқабанк	Тошкент ш., Толстой кўч.,1.Тел.: 36-10-21.
11	Трастбанк	Тошкент ш., Навоий кўч.,7.Тел.: 41-01-10.
12	Андижонбанк	Андижон ш., Бобур шоҳ кўч.,85. Тел.: 45-33-69 (Тошкент),4-36-88 (Андижон).
13	Асакабанк	Тошкент ш., Нукус кўч.,67. Тел.: 54-04-50,54-18-74.
14	АБН АМРОБАНК	Тошкент ш., Ҳ Олимжон майдони, "Бизнес-комплекс",4-подъезд,тел.:32-00-76,32-00-70.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини бериш ва қўллаш тизими тўғрисидаги» 130-сонли қарорига асосан ҳамда Банк депозитларининг миллий ахборот базасига (БДМАБ) солиқ тўловчининг идентификация рақамлари (СТИР) киритилиши муносабати билан барча банк бўлимларида ҳисоб рақами бўлган ҳуқуқий шахслар Давлат солиқ қўмитаси томонидан берилган солиқ тўловчининг идентификация рақамини зудлик билан уларга хизмат кўрсатаётган банк бўлимларига етказишлари зарур.

Солиқ тўловчининг идентификация рақамини аниқлаш учун жойлардаги Давлат солиқ инспекциясига мурожаат қилинсин. 9 та рақамли солиқ тўловчи ҳуқуқий шахсларнинг идентификация рақами 200000001 ва 202199999 оралиғида бўлиши шарт.

1997 йилнинг 20 апрелидан бошлаб идентификация рақамларини банк бўлимларига хабар қилмаган ҳуқуқий шахслар учун ҳисоб рақамлари орқали ўтказиладиган амаллар тўхтатилади.

ОЧИҚ ТУРДАГИ «ҚОРАҚАМИШ БОЗОРИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Очиқ турдаги «Қорақамиш бозори» акциядорлик жамияти кузатув кенгаши 1997 йил 14 апрелда акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши бўлишини маълум қилади.

Йиғилиш қуйидаги манзилда ўтказилади:

Тошкент шаҳри, Зиёмов кўчаси, 1-уй (Собир Раҳимов тумани ҳокимлигининг кичик залида).

Йиғилиши қатнашчилари йиғилиш куни соат 14.00 дан 14.45 гача рўйхатга олинади.

Йиғилиш соат 15.00 да бошланади.

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг 1996 йил фаоалияти якуни ва 1997 йилги истиқболи, бухгалтерия баланси, даромадлар ва кўрилган зарарлар ҳисоб-китоби, даромад тақсимоти бўйича ҳисоботни тасдиқлаш.
2. Тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш.
3. Аудитор хулосасини тасдиқлаш.
4. Дивиденд миқдорини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилишини чақариш тартиби, бошқарув ҳақидаги, олинган дивидендни тўлаш тартиби ҳақидаги тегишли қоидаларни тасдиқлаш.
6. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
7. Бошқарув аъзоларини сайлаш.

Кузатув кенгаши.

«Жасур» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси тугатилади. Эътирозлар эълон газетада чоп этилгандан сўнг бир ҳафта ичида қабул қилинади.

тел: 90-48-24

Тошкент педиатрия медицина институти ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси ўзбек тили кафедраси мудири Ботир Норбоевга опаси

Назира ЖУМАНИЁЗОВАнинг

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

БУГУН -- СОҲИБҚИРОН ТУҒИЛГАН КУН

XXI АСР БЎСАҒАСИДАГИ ҲАЙРАТ

Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон даври буюк тарихимизнинг ёрқин саҳифаларидан биридир. Бу даврга оид бўлган ҳар бир асар, ҳоҳ у илмий бўлсин, ҳоҳ бадиий, табиийки, бизларни, чинакам тарихини эндигина ўрганиб, англаб келаётган озод Ватан фуқароларини бефарқ қолдирмайди. Зеро, бу давр миллатнинг қадди камолини оламга кўз-кўз қилган, шаън-шукуҳини улуғлаган олтин давримиз бўлган эди.

ОНА ТАРИХ КАМОЛИ

Шарафиддин Али Йаздийнинг «Зафарнома»си — ўзбек тилида

Муҳаммад АЛИ
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Шарафиддин Али Йаздийнинг «Зафарнома» асари эса ана шу қутлуғ даврнинг тўлақонли, ёрқин тасвиридир, бошқача айтганда, Соҳибқирон ҳаётининг бетакрор қомусидир. Яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг нашир ва тарихчи Ислом Шоғуломов бошчилигидаги ижодий гуруҳи ўзларининг миллат ва Ватан олдидаги яна бир бурчларини адо этдилар -- «Зафарнома»нинг бундан тўрт юз саксон йил муқаддам амалга оширилган, Муҳаммад Али ал-Бухорий томонидан адо этилган ўзбекча таржимасини шарқона анъаналарда аъло нав қоғозда чиройли безакларда нашр қилдилар. Чиндан ҳам «Зафарнома»нинг ушбу ўзбекча таржимаси нашри маданий ҳаётимизда сезиларли воқеа бўлди, бунга шубҳа йўқ. Уни таниқли олимлар Ашраф Аҳмад билан Ҳайдарбек Бобобековлар нашрга тайёрладилар.

Соҳибқирон саройида котиблар («дабирони хос»), замонанинг олим кишилари («фозилони аср») бор эди, улар мамлакат тарихини ёзиб борар эдилар. Кўп ёзилган тарихий китобларни, ҳақиқат тўлиқ ёритилмабди, деб Ҳазратнинг ўзлари бекор қилганини айтадилар.

Амир Темурнинг назари тушган икки асар ҳақида бир оғиз сўз. Биринчиси, Ғиёсиддин Алининг «Ҳиндистон ғазовоти кундалиги» китоби. Муқаддимада муаррих асар ёзилиш тарихидан шундай ҳикоя қиладди. Амир Темур мулозимларидан бири олим яшаётган Йазд шаҳрига келиб, унга Амир Темурнинг Ҳиндистон юришини тушунарли ва содда тилда ёзиб беришни, шунингдек, аввалги юришлардан ҳам маълумотлар қўшиб қўйишни таклиф этади. Олим ўзининг бир арабча ҳамда бир форсча ёзилган икки рисоласини муборак ҳумоён подшоҳ назарига тақдим қилади. Бироз муддатдан кейин ушбу асар ёзилишига ижозат берадиган олий фармон эълон қилинади ва асар тез муддатда ёзиб битирилади. Иккинчиси, Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сидир, уни ёзишни муаллифга Соҳибқиронниг ўзи топширган. А. Якубовскийнинг ёзишича, бу пайтда, яъни 1401-1402 йилларда Амир Темурнинг жаҳонгирлик тарихи аллақачон ёзиб бўлинган, аммо улар Соҳибқиронни қаноатлантирмас эди. Шомий ўз асарини 1404 йилда ёзиб тугатган... Биз ушбу икки асар ҳақида тўхталганимиз сабаби, Шарафиддин Али Йаздийнинг «Зафарнома»си маълум маънода улардаги маълумотларга суяниб ёзилганлигидадир.

Абдураззоқ Самарқандий ибораси билан айтганда, «қалами ҳусни хат битувчи жаҳон хуштабларининг новик сўзлиси... оқиллик буржининг равшан юлдузи» Шарафиддин Али Йаздий ўз асарини 1424-1425 йилларда Шерозда ёзиб тугаллади. Муаллиф «Зафарнома»ни Амир Темур набираси Иброҳим Султон ибн Шоҳрух ташаббуси билан ёзганини таъкидлайди. У 1415-1435 йиллар Форс ҳукмдори бўлиб турган эди. Иброҳим Султоннинг подшолик давридан энг улуғ ёдгорлиқ, бу шубҳасиз, «Зафарнома» бўлиб қолажак. «Хуршид раъйли ҳазрат, осмондек қудратли подшоҳ, ҳақиқат ва дунёнинг кўмакчиси» (Абдураззоқ Самарқандий) бўлган Иброҳим Султон, маълум китоблар уни қаноатлантирмаган бўлса керак, улуғ бобоси Амир Темур ҳақида махсус китоб ёздиришга аҳд қилади. «Подшоҳликнинг барча томонларидан Темур ҳақидаги туркий ва форсий тилларнинг билимдонлари баён этилган ҳикояларнинг ҳамма шеърий ҳамда насрий нусхалари тўпланиб бўлгач, -- деб ёзади Шарафиддин Али Йаздий, -- улар билан танишиш учун учта гуруҳ тузилган, туркий ва форсий тилларнинг билимдонлари икки гуруҳни, воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлар эса бир гуруҳни ташкил этган. Дастлаб Темур ҳақида ҳар бир гуруҳни ташкил этган, агар у воқеа баёни ўз кўзи билан кўрган кишининг талқинига тўғри келмай қолса, Иброҳим Султон ҳақиқатни топиш учун турли шаҳарларга чопарлар юбориб, мазкур воқеани Темурнинг бошқа замондошларидан суриштирган ёки қўшимча маълумотлар тўплаган...» (А. Ўринбоевнинг «Зафарнома» (Моваройнаҳр воқеалари) нашрига ёзган сўзбошисидан. 1994 й.) «Зафарнома» ана шундай қаттиқ тартиб ва интизом билан ёзилган эди. Шуниси диққатга сазоворки, Иброҳим Султон муаллифга ҳеч нарсани бўяб-бежаб кўрсатмасликни уқтиради ва буни ўзи бошдан оёқ назорат қилади. Натижада, улуғ тарихимиз ҳақида мумтоз бир асар дунёга келди, дунё тилларига таржима бўлди.

Тарихимизнинг ягона эканлигини англаб етган шайбоний Кўчқунчихон Темурийлар тарихига бағишланган «Зафарнома»ни ўзбек тилига таржима қилдириш қайғусини чекади ва бунинг учун биз, келажак авлодлар ундан беҳад миннатдормиз. 1519 йилда Муҳаммад Али ал-Бухорий «Зафарнома»ни она тилимизга ўгириб, маданиятимиз ривожига бебаҳо ҳисса қўшди. Таржимон ўз «Муқаддима»сида ёзади: «Шаҳаншоҳи диндор Кўчқунчихон... муборак кўнгилларида ва саодатманд хотираларига кечтиким, «Зафарнома»ким, мавлоно Шарафиддин Йаздий форсий тил билан Темурбекнинг воқеотин айтиб турур... турк элига файз тегмай турур, эрса керакким, бу китоб туркий билан бўлғай, то андин эл-улус фойда топқайлар. ...Итмомул фуқаро Муҳаммад Алиға ишорат бўлдиким, туркий тил била «Зафарнома» буюрулғай...» Таржимон Йаздий асаридаги «Муқаддима»ни қолдириб, бевосита «Темурбекнинг мутаваллид бўлғони»дан, яъни Соҳибқирон тарихидан бошлаб таржима қилади. Таржима ҳақидаги сўзбоши ёзар эканлар, нашр муаллифлари, уни «том маънода ўзбек мумтоз насрининг илк буюк обидаларидан биридир», деб баҳолайдилар. Асарни ўқиб, биз юқоридаги фикрнинг бағоят ҳақ ва адолатлилигига амин бўламиз. Чиндан ҳам «Зафарнома» ўзбекчасининг тили гўзал ва ноёбдир. Подшоҳлар фаолияти ҳақида шундоқ сўзларни ўқиймиз: «... Ул подшоҳ ҳашамат ва давлат тахтида қарор топарким, меҳнат ва ранж ва балодин андиша қилмағай. Жаҳондорлик ва подшоҳи ул кишига лойиқ турурким, бийик ҳиммати уруш машаққатидан ҳеч андишаси бўлмағай». (142-бет).

«Зафарнома»да Амир Темурнинг ёрқин сиймоси равшан кўриниб туради, биз уни имкони борича одамларга яхшилик қилиш йўлини тутган юрт бошлиғи сифатида -- Тўхтамишхон ва Йилдирим Боязид билан муносабатлар, «арқонни узун ташлаш»ларни эслайлик -- кўрамиз. Айрим юртларда юз берган қирғинлар моҳияти билан чуқур танишиб чиққанда, уларнинг бежиз юз бермаганига гувоҳ бўламиз, бу ҳолатларда кенгашнинг тўққиз улуши наф бермай, иш қиличга тақалиб қолгани кўринади. Амир Темур билан Йилдирим Боязид муносабатлари ҳақида жаҳон адабиётида ҳар хил қараш-лар, афсоналар кўп. Энг ҳаққоний манзара Йаздийда берилган: «Намози хуфтан эрдиким, Йилдирим Боязидни даргоҳи олампаноҳда келтурдилар. Соҳибқирон фармонладиким, «Эликини ечиб, ҳурмат била кийурсунлар!» Бас, ани ҳазрат қошида иззат била кийуруб, ҳазрат ани кўруб, кўб иззат тутуб, ўз қошиға ўлтурғузди ва дедиким, «Ҳар нечаким, сенга насиҳат қилдуқ, эшитмадинг. Ва бу воқеа ўзунгдин сенга келди... Ва ғар сен менинг сўзумга кириб, йахши маош қилур эрдинг, мен сенга черик берур эрдимким, бориб ғазо қилур эрдинг. Ҳеч қайси била амал қилмадинг ва сендин мухолифатдан ўзга иш зоҳир бўлмади... Бу жиҳатдин бу қунга учрадинг. Аммо бу жиҳатким, ҳазрат Ҳақ субҳонаҳу ва таоло менга нусрат берди, сенга ва сенга тааллуқ кишиларга йахшиликдин ўзга иш қилмағумдир» (261-бет). Йилдирим Боязид хижолат бўлади, хато қилганини тан олади, Соҳибқирондан авф этишини сўрайди. Йаздий давом этиб ёзади: «Йилдирим Боязид учун подшоҳона оқ уй тикиб эдилар. Соҳибқирон Йилдирим Боязидқа иноят ва шафқатлар қилиб, ҳар кун анга ўз қошида келтуруб, суҳбат тутуб, кўнгул берур эрди». Бундай муносабат, албатта, чин инсонийликка, одамгарчиликка ёрқин мисолдир. Қуйидаги лавҳада эса Соҳибқиронниг адолатпешалиги, ҳақиқатпарастлиги, тўғрисўзлиги яққол намоён бўлган. 1403 йилда Эрону Туроннинг ҳар жойларидан уламою, умаро Байлақонда, Соҳибқирон боргоҳида йиғиладилар. Анжумандан мақсад -- Амир Темур раъйият (халқ) аҳволини таҳқиқ қилиш ва адлу эҳсонини ўрнатмоқ учун обрў-эътиборли уламо ва умаро вакилларини мамлакатнинг ҳар турли пучмоқларига юбормоқчи эди. Соҳибқирон анжуманга юзланиб, уламонинг ҳар замонда подшоҳларга буюк насиҳатлар қилганлари, ҳайрли ишларни тарғиб этиб, номуносиб ҳаракатни ман этганлари ҳақида эслатади ва иштирокчиларнинг шу маънода «иршод қилмаётганлик»ларини таъкидлаб, хитоб айлайди. Уламо эса, Оллоҳ таолога ҳамдлар бўлсинки, бундай насиҳатларга ҳожат йўқ, барча ишларингиз тўғри йўлдадир, деб жавоб қайтаради. «Сиз менга хушомад дерсизлар, -- сўзни кесади Амир Темур. -- Ва бу хушомад сўзларингиз менга хуш келмас... Менинг мақсудим бу турурким, сизлар ҳар бирингиз бир вилоятдан келгонсиз. Албатта, ул вилоятнинг йахшиёмонидин хабардорсиз.. Даруға ва девондан не нимаким воқиъ бўлубтур, менга шарҳ қилинглар. Агар шаръ била адл қилмайдурлар, баён қилинглар, то фикрини қилғаймен. Мутақаллиблар ва ситамкорларнинг эликларини ожизу фақир ва мискинлардин қисқа қилдурғаймен...» (279-бет). Ушбу келтирилган мисоллар Соҳибқирон характерини кўрсатиш асосида тилимизнинг сехру тароватини ҳам достон этади.

Юнон файласуфи Аристотель ёзувчини тарихчи деб атаган эди. Шундан муқояса қилиб, биз тарихчини ёзувчи, деб атай оламиз. Бу, айниқса, Шарафиддин Али Йаздийга тегишлидир. Унинг асари ўзбек тилида, албатта, Муҳаммад Али ал-Бухорийнинг мислсиз меҳнатлари эвазига, бамисли бадиий асардек ўқилади, зеро Соҳибқиронниг ҳаёти қизиқарли сарғузаштларга бой ҳаётдир. «Зафарнома»да Амир Темурнинг ҳарами, хусусан, Сарой Мулк хоним, Туман оқа, Дилшод оқа, Тўкал хоним, Чўлпон Мулк хоним, ўғиллари ва набиралари Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо, Шоҳрух Мирзо, Муҳаммад Султон, Рустам Мирзо, Пир Муҳаммад Жаҳонгирлар, қизлари Султон Бахт бегим, Оқа Бегимлар тўғрисида маълумотлар жамланган. Соҳибқиронниг сафдошлари ва издошлари Амир Жоку барлос, Амир Сайфиддин некўз, Амир Довуд дуғлат, Аббос Баҳодир қипчоқ, Шайх Нуриддин жалойир, Амир Сулаймоншоҳ ва Амир Жаҳоншоҳларнинг ҳарб майдонларидаги жасоратлари тасвирлари завқ-шавқ билан ўқилади. Асарда, шунингдек, мамлакатлар, қабила-ю элатлар, шаҳару қасабалар, вилоятлар ҳақида ажойиб маълумотлар бор, муаррих география илмидан ҳам яхшигина хабардор эканлигини намойиш этган. Бизга эса муҳими уларнинг ўзбекча атамалари ва номланишларидир. Ҳуллас, «Зафарнома»нинг ушбу ўзбекча нашри жуда кўп фазилатларга эга. Бир бор ўқиб чиққан киши уни қайта-қайта вараклаб, такрор мутолаа қилишига асло шубҳа йўқ.

Ушбу ноёб нашрнинг дунёга келишида нашр муаллифлари А. Аҳмад, Ҳ. Бобобековнинг хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқдир. Истанбулда, Нури Усмония кутубхонасида сақланаётган ягона аслиятдан олинган нусха синчиклаб ўрганилди, саҳифалар аслиятнинг мукаммал нашрига қиёслаб чиқилди. Асарга минг бир юздан ортиқ батафсил изоҳлар ҳавола қилинди, улар муаррих фикру ғоясини англаб етишда катта аҳамиятга молик. Муаллифлар асарда келтирилган Қуръон оятларини аслида бериб, манбасини изоҳда кўрсатишлари ҳам ўринли деб ҳисоблаймиз. Ҳижрий саналар ёнида қавсда милодий сана берилиши ҳам диққатга сазовор. Бу нарса замонни чамалай олишда ўқувчига ёрдам беради. Китобнинг охирида турли кўрсаткичлар-- библиографик номлар, киши номлари ва географик номлар кўрсаткичлари ҳам илова қилинган, бу нашрнинг илмий қимматини яна ҳам оширган. Уларга назар ташлаб, исталган иси ёки атама тарихини билиб олиш мумкин. Шунинг билан бирга, айрим изоҳлар кишини ўйлантириб қўяди. 132-изоҳда Ўлжай Туркон оқа Жаҳонгир Мирзо онаси, Турмуш оқа Умаршайхнинг онаси эди, деб шарҳланган. Темурийлар хонадони тарихини яхши ўрганган олим Турғун Файзиев ўзининг «Темур ҳарами маликалари» мақоласида («Фан ва турмуш» журнали, 1993 йил 1-сон) Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асарига мурожаат қилади. Хондамирнинг ёзишича, Шохрух Мирзо темурийлар насабномасини туздирган экан, олим ўша «Насабнома»дан қуйидаги маълумотларни келтиради: «Соҳибқирон Амир Темур... биринчи хотини Ўлжай Туркон оқа қизи Султон Бахт бегимнинг онасидир. Соҳибқиронниг иккинчи хотини Турмуш оқа бўлиб, амир Жоку барлоснинг қизи эди. Турмуш оқадан Соҳибқиронниг катта ўғли Жаҳонгир Мирзо ва катта суюкли қизи Оқа Беги хонимлар туғилган». Биз бу ерда Хондамир келтирган маълумотлар ҳақиқатга яқин деб ҳисоблаймиз. 968-изоҳда муаллифлар шундай ёзадилар: «Амирзода Султон Ҳусайн соҳибқиронниг қизи Султон Бахт бегимдан набираси эди». Энди «Зафарнома»нинг ўзида ўқиймиз: «Ҳазратнинг исмат пардасининг кейинида бир қизи бор эрди. Тагайшоҳ отлиқким, ани севган жиҳатидан Оқа Беги дер эдилар... ҳазрат ани кўп севар эрди, ул гул боғи салтанатқа малолатли пайдо бўлуб, марази анга ориз бўлди. Ҳар нечук табиблар саъй эттилар, ҳеч фойда қилмади ва жони шарифини топшурди. Андин бир ўғил қолди, Султон Ҳусайн отлиқ...» (93-бет). Муаллифларнинг машҳур сарбадорлар ҳаракати ҳақида фикрларига, албатта, қўшилиш қийин. Биз бу ҳаракат ва унга Амир Темурнинг муносабати ҳақида мулоҳаза юритганимизда Амир Темурнинг сарбардорлар рахбарларидан бири Мавлонозодани нима учун дор тагидан қутқариб қолганини унутмаслигимиз зарур бўлади...

Айрим мулоҳазаларимиз жузъий камчиликларга киради, албатта. Улар шундай ғўзал бир нашрнинг қимматини асло тушира олмайди. «Зафарнома»ни вараклар экансиз, салкам тўрт юз саҳифали салобатли солноманинг ҳар бир саҳифаси моҳир ноширларнинг меҳру муҳаббатидан бахраманд бўлганини кўрасиз. Саҳифаланиш, ҳарфлар терилиши, сарлавҳалар берилиши, айниқса, саккизта миниатюра илова қилиниши китобнинг хуснига ҳусн қўшган.

Абдураззоқ Самарқандий «Матлаи саъдайн...» асарида «Зафарнома» ҳақида тўхталиб, Шарафиддин Али Йаздийнинг салоҳиятига тан бериб: «Инсоф юзасидан айтсам, унинг каби инсофли мусанниф йўқдир», дейди (А. Ўринбоев таржимаси). Чиндан ҳам улкан муаррих яратган «Зафарнома» она тарихимиз камолини кўрсатиб берган қомусий, инсоф тарозусидаги асардир, у ҳар бир хонадонда бўлмоғи лозим, деган фикрдаман.

Ватанимиз озодликка эришгани туфайли, онглар, фикрлар, қарашлар ҳам озод бўлди, мустабидлик занжирига чирмаб ташланган буюк тарихимиз ҳам озодликка чиқди. Муҳташам «Зафарнома»нинг ўзбек тилида нашр этилиши ана шу ҳақиқатни яна бир карра исботлаб турибди.



Халқ ҳаётида унутилмас кунлар, муқаддас байрамлар кўп бўлади. Шу маънода, ўтган йил бундай ифтихорли тантаналарга бой бўлди. Хусусан, миллатимиз шону шавкатини оламга танитган буюк давлат ва жамоат арбоби, Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг 660 йиллик тўйи дунё миқёсида кенг нишонланди. Президент Ислом Каримов фармони билан 1996 йил мамлакатимизда «Амир Темур йили» деб эълон қилинди. Фармонга кўра, республикамизда бу оламшумул тантанани муносиб кутиб олиш борасида жуда катта ишлар қилинди.



ҚАЛБИМИЗДАГИ ҲАЙКАЛ

Чунончи, мамлакатимиз пойтахти Тошкентда темурийлар тарихи давлат музейининг қисқа муддатда қуриб битказилиши ва унинг ноёб тарихий осори атиқалар билан жиҳозланганги, Самарқандда, Шаҳрисабзда ул зотга ўрнатилган ҳайкаллар, бунёд этилган боғ-роғлар халқимизнинг Соҳибқиронга бўлган ҳурмат-эътибори мужассамидир.

Карийб етти асрдирки, дунё жамоатчилиги, илм-фан намоёндалари бобокалонимиз Амир Темур ҳазратлари салоҳиятини, унинг машҳур салтанати сир-асрорларини ўрганади. Қарийб етти асрдирки, дунё тарихи унингдек зўкко ҳукмдорга, буюк жаҳонгирга, бунёдкор, фозил инсонга қиёс излайди.

Амир Темур барпо этган салтанат ҳақида жаҳоннинг ўнлаб тилларида ёзилган юзлаб асарлар Осиё, Англия, Европа, Африка ва Америка мамлакатлари кутубхоналарида сақланмоқда. Темур ва темурийлар меросини ўрганиш бобида олдинги сафда бораётган Франция ва Англия театрларида улуғ бобокалонимиз фаолиятини акс эттирувчи саҳна асарлари кўп.

Амир Темур ўз даврида Англия ва Франгистон қиролларига мурожаат қилиб, халқаро савдо алоқаларини ривожлантирган. Марказий Осиё орқали ўтадиган Буюк ипак йўлида карвонларнинг хавфсизлигини таъминлаган. Юртда ўрнатилган тартиб ҳақида, дунёнинг ярмини олдим, салтанатимнинг у четидан-бу четигача бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим, деб ёзган эди.

Соҳибқирон машриқдан-мағрибгача бўлган савдо-сотиқ ишларини кучайтириб, турли равотлар, карвонсаройлар, савдо расталари қурдирганки, бу мамлакатнинг фаровонлигига хизмат қилган.

Шундай экан, бутун дунё унинг даҳоси қаршисида ҳайратланиб турган бир пайтда Амир Темур Кўрагон давлатининг пойтахтида, оламга машҳур ва манзур бўлган Самарқанди азимда, унинг болалиги ўтган Шаҳрисабзда бобомиз хотирасини ёд этиб, пурвиқор ҳайкаллар ўрнатилиши халқимизнинг муқаддас бурчи эди ва бу улкан вазифа юртбошимиз раҳбарлигида амалга оширилди.

Соҳибқирон бутун умрини, салоҳиятини Самарқанднинг, қадим Турон мулкининг гуллаб-яшнаши учун сарф қилган. Самарқанд аркидаги Кўксарой ва Бўстонсарой, Амир Темур жомеъ масжиди, Сароймулкхоним мадрасаси, Шоҳизинда мажмуаси, Гўри Амир, Руҳобод, Қутби Чордаҳум мақбаралари ўзининг маҳобати ва қўлами жиҳатидан Соҳибқирон салтанатининг улуғворлиги ва куч-қудратининг беназир тимсоллари эди.

Амир Темур ҳазратлари даврида Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа жойларда бунёд этилган олий иморатлар ва яратилган санъат асарлари чинакам гўзаллик ва улуғворликка ҳақиқий муҳаббат қўйган ташна қалб изҳори эди, десак хато бўлмас.

Ҳазрат Амир Темур Самарқанддаги Масжиди жомеъ тамал тошини ўз қўли билан қўйган. Боғи дилкушо ўртасидаги ажойиб кўшк лойиҳасини ўзи танлаб олган ва унинг қурилишига ўзи бош-қош бўлганлиги тарихий манбалардан маълум. Зотан, Амир Темур нафақат Баҳодир ҳукмдор, балки шаҳарсозлик соҳасида ҳам беназир бунёдкор бўлганлиги ҳаммамизга ибратдир. Юртбошимизнинг бугунги фаолияти ҳам буни исботлаб турибди.

Улуғ бобокалонимиз шаҳарсозлик фаолияти ҳақида гап кетганида у Самарқандда барпо этган боғларни ҳам эсга олиш жоиздир. Бу ҳақда ўзлари шундай ёзганлар: «Менинг бир боғим борки, у Самарқанддан Бухорогачадир», «Боғи шамол», «Боғи беҳишт», «Боғи баланд», «Боғи дилкушо» каби боғларнинг сони бор, саноғи йўқдир». Соҳибқирон не ишни бошласа, охирига етказди, эл-юрт фаровонлигига хизмат қилдирди.

Мамлакатимиз мустақиллиги ҳақида ўйлаган сари беихтиёр кўз ўнгимизда улуғ бобомиз Амир Темур Кўрагон ҳазратларининг салобати жонланаверади. Шундай чоғларда она халқимизнинг ёвқур ва жасур фарзандлари бўлганлигидан фахрланасан киши.

Халқимизнинг маданияти, маънавияти, ахлоқу маърифати оғзаки ижодимиз намуналарида жуда ёрқин акс этган. Гўрўғли, Алпомиш, Рустам ҳақидаги достонларни эслайлик. Уларнинг руҳи кўнглимизга ишонч, белимизга қувват бағишлайди. Улуғ Амир Темур сиймосида ҳам халқимизнинг енгилмас қудрати, адолати ва салоҳияти амалда ўз мужассамини топгандир. Амир Темур салоҳияти абадул абад халқимизнинг маънавий мулкига айланган, туганмас қудрат манбаидир.

Яқинда мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллигини тантанали нишонладик. Орадан ўтган беш йил тарих олдида ҳеч қанча вақт эмас, аммо ана шу қисқа вақт оралиғида ўзимизнинг Беруний, Ибн Сино, Улуғ Темур, Улуғбегу Алишер Навоий авлодидан эканлигимизни бутун дунёга англата билдик.

Қирқ беш кунда катта Фарғона каналини қуриб, бепоён далаларга оби ҳаёт улашган халқимиз эндиликда ўз автомобиллари, ўз самолётларини ишлаб чиқариш қудратига эга бўлди. Минглаб барчинларимизнинг нозик бармоқлари йигирган ипак толалар, тўқиган атласу шоҳилари юртимиз ғазнасига барака қўшмоқда, халқимиз дастурхонига ноз-неъмат бўлиб сочилмоқда. Пахта, ғалла, нефть, газ, электр энергия манбаларининг қуввати нафақат халқимиз, балки қўни-қўшниларимиз, биз билан ҳамкорлик қилишни истаётган мамлакатлар халқларининг ҳам эҳтиёжини қондиришга қодир. Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар асосида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрнимизни эгаллаш, халқимизнинг азалий шон-шуҳратини тиклаш мақсадлари ётади. Бунинг учун мамлакатимизда ҳамма имкониятлар мавжуд. Энг муҳими, ҳар бир ишда шу Ватан фарзандларидан бобомиз Амир Темур сабоқ берганидек, адолатли ва ҳалол хизмат қилиш талаб қилинади.

Биз улуғ ва бунёдкор аждодлар авлоди эканлигимизни унутмаслигимиз керак. Шу ўринда «Ватан учун чала иш қилиш -- унинг учун ҳеч нарса қилмасликдир» деган ибратли иборани такрорлашга тўғри келади. Биз маънавий тарбия ҳақида кўп гапирамиз. Бугун сиз билан биз гувоҳи бўлиб турган Самарқанди азимдай кўҳна шаҳарда Амир Темур Кўрагон ҳайкалининг ўрнатилишида ҳам рамзий маъно, тарбиявий моҳият бор. Токи, бу улкан санъат асари узоқ вақт аждодларимиз қалбида Ватанга меҳр уйғотсин, инсофли ва диёнатли бўлиб камол топишларига хизмат қилсин, уларнинг маънавий таянчига айлансин.

Лекин барчамизга маънавий таянч бўлган, бизни улуғвор ишларга чорлаётган, шуурямиздан абадий маскан топган бобомиз -- Амир Темур сиймоси олдида ҳар қанча таъзим бажо этсак, кам. Зеро, қалбдаги, айниқса, халқ қалбидаги ҳайкални ул зоти мукаррамнинг ибратли, боқий ишлари каби сизу бизнинг хотирамиздан даврлар шамолию чархи фалак ташвишларида ҳеч қачон ўчира олмайди.

Аҳмад ХЎЖА,
Ўктам МИРЗАЁР.
(ЎзА).

ЭҲТИРОМ

Озод Ватанимизда буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳазратлари шахсига ҳурмат, муборак ҳаётларига қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Ўтган йили Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги дунё бўйича кенг нишонлангани маънавиятимизда улкан воқеа бўлди. Айниқса, бундай хайрли тадбирларнинг бошида мамлакатимиз раҳбарлари турганлиги ва тащаббуслар давлат миқёсида қўллаб-қувватланаётганлиги тарихимизнинг шонли саҳифаларини ўрганишда қудратли омил бўлмоқда. Ҳудди шунингдек, ҳар йили олам уйғонаётган бир фаслда, яъни ҳазрат Соҳибқирон таваллуд топган апрель ойида анъанавий Амир Темур кунлари ўтказилиши ҳақидаги таклиф ҳам жамоатчилик томонидан мамнуният билан қутиб олинди. Ана шундай тадбирлар куникеча Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ тумани ва Шаҳрисабз шаҳрида бўлиб ўтди. Пойтахтдан ташриф буюрган олим ва ижодкорлар Муҳаммад Али, Бегали Қосимов, Азамат Зиё, Темур Ширинов, Мурод Абдуллаев, Амириддин Бердимуродов учрашувларда бобокалонимиз ҳаёти ва фаолиятига доир янги маълумотларни баён қилдилар, бу улкан меросни тадқиқ қилиш билан боғлиқ таклифлар билан ўртоқлашдилар. Айниқса, Соҳибқиронниг ёшлиги кечган Шаҳрисабздаги тантаналар эсда қоларли ва ҳаяжонли бўлди. Муаззам Оқсарой майдонидаги жаҳонгирга ўрнатилган ҳайкал пойига вилоят ва шаҳар ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари номидан гулдасталар қўйилди. Шаҳар маданият саройида илмий анжуман ва санъаткорларнинг чиқишлари бўлди.

Бобокалонимиз Амир Темурнинг буюклиги шундаки, ул зот ҳақида қанча кўп гапирилса, маънавиятимиз шунчалар бойиб, мавзу қўлами ҳам кенгайиб бораверади. Анъанавий Амир Темур кунлари давомида ўлкамизнинг турли бурчакларида бўлиб ўтган тадбирлар ана шу ҳақиқатни яна бир марта тасдиқлади. Зеро, инсоният оламида тенги йўқ ҳукмдор ва маданият ҳомийси ҳисобланмиш бобокалонимизнинг хотираси абадий эъзозга лойиқ.

Ҳ. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАЛК СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
А. УСМОНОВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Сатторов.
Навбатчи — Ғ. Шермуҳаммад.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Режапов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0227
40.823 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 21.00